

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ХАЛҚАРО ТУРИЗМ” ФАКУЛЬТЕТИ

Битирув малакавий иши
ҳимояга тавсия этилди
“Сервис” кафедраси муdiri
и.ф.н., доц. О.Х. Хамидов

« _____ » _____ 2012 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш
истиқболлари (“Ўзбектуризм” МК материаллари мисолида)**

Бажарди: “Сервис” (Туризм ва меҳмонхона
хўжалиги) таълим йўналиши, ТМ-75 гуруҳи,
4-курс талабаси Рахимов Рахимбой
Кувондикович

Илмий раҳбар: кат. ўқит. Сайфутдинов Ш.С.

ТОШКЕНТ – 2012

Мундарижа

Кириш	3
1-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг илмий-назарий асослари.	8
1.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг илмий асослари.	8
1.2. Ўзбекистон минтақаларида туризм бозори ва унинг ўзига хос жиҳатлари	18
1.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари.	27
Биринчи боб бўйича хулоса	35
2-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳолати ва унда Хоразм вилоятининг туристик микониятлари	37
2.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар	37
2.2. Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати	42
2.3. Хоразм вилоятида туристик ресурсларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар	49
Иккинчи боб бўйича хулоса	57
3-БОБ. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари	59
3.1. Хоразм вилоятида туризм инфратузилмаси уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	59
3.2. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	64
Учинчи боб бўйича хулоса	71
Хулоса ва таклифлар	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	78

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмни ҳам ўрни катта бўлиб ундан даромад олиш, маҳаллий аҳолини талабларини қондириб уларга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, ишсиз аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳукуматимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг мазкур йўналишга таалуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди. Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари 2012 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган нутқларида: “Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000-йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди¹” деб бу соҳага ўз эътиборини қаратганлигини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, туризм соҳасига назар ташласак, бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ иш ўринларини яратади. Ҳозирги кунда республикаимизда

¹ Президент Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январ.

туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда туризмни иқтисодийнинг асосий тармоғи сифатида юксалтириш учун кўплаб бой табиий ва ижтимоий туристик объектларга эга. Ушбу туристик имкониятларни жаҳонга танитишда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир Президентимиз ўз маърузаларида ҳам оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратиб “Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди”² деб таъкидлаганлар. Лекин мамлакатда ушбу туристик ресурслар нотекис жойлашган. Шунинг учун вилоятлардаги туристик ресурслар имкониятларини илмий тадқиқ этиш зарур. Бу ўринда вилоятлардаги тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, диний қадамжойлар, зиёратгоҳлар ҳамда рекреация ресурслари, дам олиш худудлари, соғломлаштириш масканлари, экотуристлик объектлар тўғридан-тўғри бу тармоқнинг истиқболини белгилайдн. Бироқ, таъкидлаш жоизки, республика минтақалари ва вилоятлари маркетинг нуқтаи назаридан кам ўрганилган. Ваҳоланки, вилоятлар доирасида туристик имкониятларни аниқлаш ва туризмнинг ўзига хос турларини ташкил этиш учун кўпгина муаммоларни аниқлаш муҳимдир. Ушбу тадқиқотда мазкур масалалар асосан Хоразм вилояти мисолида ўрганилган.

Хоразм вилояти туризм имкониятлари жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ўзига хос ўринга эга. Ушбу вилоятда туризмнинг кўплаб турлари, хусусан тарихий, архитектура ва археологик обидалар, табиий рекреация масканлари, диний қадамжойлар ҳамда ўзига хос маданий-этнографик анъаналари вилоят туризм хазинаси

² И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. 27 январ 2010 йил. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан.

хисобланади. Бундай кенг имкониятларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш учун илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмнинг кўпгина кирралари билан узоқ, хориж давлатларидан И.Г.Коль, А.Геттнер, Р.Бланшаром, А.Мариотти, В.Уницикер, МДХ, давлатларида А.Ю.Александрова, К.Н.Баранский, Ю. А. Веденин, С.Р.Ердавлетов, П.Н.Зачиняев, И.И.Пирожник, Ю.Д.Дмитревский, Н.С.Мироненко, А.Низамиев, Е.А.Окладникова, И.Т.Твердохлебов, Н.С.Фалькович, А.П.Дурович ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган. Айни вақтда, республикамизда ҳам туризмнинг айрим муаммолари бўйича З.М.Акрамов, Э.А.Ахмедов, Ш.А.Азимов, А. Зокиров, Ф.К.Комилова, А.А.Рафиқов, А.Солиев, Т.Тошмуродов, Н.Тухлиев, О.Х.Хамидов, А.Норчаев, С. Рўзиев каби мутахассислар шуғулланган.

Битирув малакавий иш объекти ва предмети. Мазкур ишининг бевосита тадқиқот объекти сифатида Хоразм воҳаси туристик объектларининг ўзига хос хусусиятлари этиб белгиланган. Унинг предмети эса Хоразм воҳаси туризмнинг шаклланиши, ривожлиниши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади – Хоразм вилояти мисолида туристик объектларни ўрганиш ва баҳолаш асосида вилоят туризмини ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги вазифалари белгиланди:

- Ўзбекистонда туризм соҳасининг илмий аосларини аниқлаш;
- Мамлакат туризм бозори ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий босқичларини аниқлаш;

- Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиш;
- Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолатини аниқлаш;
- Хоразм воҳасида туризмни ривожлантиришнинг имкониятларини аниқлаш;
- Хоразм воҳасида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари ва истиқболларини аниқлаш;
- Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш муаммоларини ва келажақда истиқболли йўналишларини белгилаш.

Хоразм вилоятида маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантиришда сайёҳликнинг турли йўналишларини жумладан, табиий рекреация, тарихий, диний ва маданий-этнографик турларини ҳудудий аниқлаш ҳамда соҳа олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мазкур ишнинг асосий ҳимоя жиҳатларини белгилайди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу тармоқни юксалтириш бўйича ишлаб чиққан кўрсатма ва қарорларига таянади.

Битирув малакавий иш «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва унинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими, Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда илмий ва картографик манбалар асосида тайёрланди.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Бажарилган тадқиқот ишининг илмий янгилиги республикада илк бор Фарғона водийсида туризми маркетинг нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан тавсифланади.

Шунингдек, ишда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Туризмнинг назарий-услубий ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, унинг Хоразм вилоятидаги ўзига хос хусусиятлари ўрганилган;

- Хоразм вилоятида мавжуд туристик инфратузилма ва имкониятлари, табиий, тарихий, диний ва рекреация хусусиятлари бўйича баҳоланган ва туризмнинг янги ўзига хос турларини ривожлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган;

- Хоразм вилоятида туризмнинг тармоқлари таркибини кенгайтириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий муаммолари ва истиқболдаги устувор йуналишлари белгиланган;

Ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий ишнинг кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат.

1-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг илмий-назарий асослари.

1.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг илмий асослари.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сингари туризм ривожланишини тадқиқ этишда энг аввало унга назарий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Зеро, гарчи туризм узоқ тарихга эга бўлса-да, унга берилган таърифлар хилма хил ва туризмнинг моҳиятини очиб берувчи ягона таъриф ҳанузгача мавжуд эмас. А.П. Дурович таъкидлаганидек, “Туризм тушунчасининг турли таърифлари мавжуд ва бу таърифлар унинг турли жиҳатларини тавсифлаб беради. Туризм тушунчасига ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги туризмни фан сифатида ўрганишнигина қийинлаштириб қолмасдан, туристик фаолият субъектларининг амалий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади”³.

Туризм фаолияти – ижтимоий ҳодиса сифатида кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятлидир. Демографик нуқтаи назардан у аҳолининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб юришини англатса, иқтисодий нуқтаи назардан аҳоли муайян қисмининг кўчиб юриши натижасида иқтисодий эҳтиёжларнинг юзага келиши, уларнинг қондирилиши муаммоларини ҳал этиш ва бошқа кенг қамровли иқтисодий жарёнларнинг юз беришини назарда тутати. Бошқача қилиб айтганда, туризм – бу саёҳат қилиш жараёнида юз берувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсиридан иборат муносабатдир.

Туризмга берилган кўплаб таърифларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар ва мутахассислар қарашларини иккита гуруҳга умумлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳ ушбу атамани тор маънода тавсифлайди ва туризмнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига ёки унинг турларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади⁴. Бундай таърифлар аниқ вазифаларни ҳал этиш учун восита сифатида хизмат қилади.

³ Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10

⁴ Рекомендации по статистике туризма. Статистические документы. /ООН, ВТО (пер. с англ.) Нью Йорк, 1994; Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005; Александров А.Ю.

Иккинчи гуруҳ туризм атамасига концептуал жиҳатдан ёндашади⁵ ва туризмга хос бўлган барча хусусиятлар ва муносабатларни яхлитликда ифодалаб, ушбу атаманинг ички мазмунини ёритиб беради. Бу таърифлар туризмнинг бошқа унга ўхшаш ва ўзаро боғлиқ ходисалардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда туризм, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, жумладан Президентимизнинг йил якунларига бағишланган маърузаларида ҳам бу соҳа ривожига эътибор бериб, “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”⁶ деб таъкидлаганлар.

Мустақиллик йилларида даставвал туризм ривожланишининг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги 447-сонли Фармонида мувофиқ “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ташкил этилди. Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг аъзосига айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни,

Международный туризм. – М.: Паспект Пресс, 2001; Леонард Л. Управление туризмом. М.: 1995; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 1999; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 1999; Ефремова М.В. Основы технологии туристского бизнеса. – М.; Издательство «Ось-89», 1999; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2000 ва бошқалар

⁵ Азар В., Туманов С.Ю. Экономика туристского рынка: Институт Международного туризма. – М.: ИПК госслужбы, 1998.; Дурович А.П. Организация туризма. – Мн.: ООО «Новое знание». 2002. – стр. 10; Квартальнов В.А. Иностраный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001; Пузакова Е.П. Международный туристический бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001 ва бошқалар

⁶ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги, 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги” Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тўғрисида”ги, 1998 йил 8 августдаги 346-сонли “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сонли “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2003 йил 17 январдаги 33-сонли ушбу қарорни қисман ўзгартириш тўғрисидаги, 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ташкил этади.

Республикамизда туризмни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий ўринни эгаллайди. Унинг 53-моддасида шундай таъкидланади: «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».⁷ Мазкур меъёр барча хўжалик юритиш субъектлари, шу жумладан, туризм субъектларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг катта қисми иқтисодий муносабатларни тартибга солишни қамраб олади ва тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан,

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. - 1992. – 11 б.

туризм соҳасидаги тадбиркорлик ривожланишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонуни туризм фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрларни ўз ичига олади. Унда туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўз аксини топган.

“Туризм тўғрисидаги” қонуннинг 3-моддасида туризм фаолияти билан боғлиқ асосий тушунчалар – туризм, турист, туристик фаолият, экскурсия фаолияти, туристик ресурслар, туристик фаолият субъектлари, туристик индустрия, тур, туристик хизматлар, туристик гуруҳ раҳбари, туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия, сертификат каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Туризмга оид тушунчаларнинг бундай аниқ тавсифланиши кўплаб қонунчилик меъёрларини тадбиқ этишни сезиларли даражада енгиллаштиради. Масалан, туристик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ёки имтиёзли солиққа тортиш бўйича қонунчилик меъёрларини амалиётга жорий этишдаги чалкашликларга барҳам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг 4-моддасида туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, у бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” тамойиллари билан уйғунлашиб кетган.

Ушбу қонуннинг 8,9 ва 10-моддаларида туристик фаолиятни лицензиялаш, молиялаш манбалари ва туристик хизматларни сертификациялаш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра туристик фаолият туристик субъектларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари, заём маблағлари, чет эл инвестициялари ва қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 14 ва 15 моддалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, уларда туристик фаолият

субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Қонунга мувофиқ турист шартномада назарда тутилган туристик хизматлар мажмуидан тўлиқ фойдаланиш, саёҳатга тааллуқли тўлиқ ва ишончли ахборотларни олиш ҳуқуқига эга. Агар шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек, маънавий зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Айтилишича турист шартнома шартларига, божхона ва чегара назорати қоидаларига, борилган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши лозим.

Туризм ривожланишининг муҳим омилларидан бири нафақат турист, балки туристик фаолият субъектлари томонидан шартномада кўрсатилган шартларнинг тўлиқ бажарилиши ҳисобланади. Шу муносабат билан “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг 16 ва 17-моддалари туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишланган.

Бундан ташқари қонунчиликда туристларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, туристлар соғлигини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси “Туристларнинг хавфсизлиги кафолати” деб аталиб, унда туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланиши таъкидланган ва бунинг учун туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туристик фаолият субъектлари масъул ҳисобланадилар. Улар туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини, туристлар касалланганда, жароҳатланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва унинг бажарилишини ташкил этадилар.

Қонуннинг “Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари” деб номланган 19-моддасида туристик фаолият субъектлари томонидан туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга

оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуи кўрсатиб берилган. “Туристларни суғурта қилиш” номли 20-моддасида туристларни суғурта қилиш мажбурий эканлиги эътироф этилган.

Туризм соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, солиқ соҳасида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар киради. Чунончи, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туризм соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ 5 йил муддатга олиб чиқиб кетилаётган фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашга иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра тижорат банкларида тадбиркор томонидан хусусий меҳмонхоналар ва меҳмонхона инфратузилмаси объектлари қурилган тақдирда уларга қарз узиш муддати камида 5 йил муддатга тенг бўлган кредитлар тақдим этилиши тавсия қилинган.

“2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги”ги бошқа бир фармонга мувофиқ эса туризм учун мўлжалланган ускуналарни божхонадан ўтказишга махсус имтиёзлар киритилган. Хозирги кунда 2015 йилгача бўлган даврда ҳам туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинмоқда.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар тузилган пайдан бошлаб биринчи даромад орттиргунга қадар, лекин узоғи билан рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилгача даромад (фойда) ва ер солиғидан озод қилинадилар. Улар фойда олинган биринчи йилда эллик

фоиз, иккинчи йилда етмиш беш фоиз, учинчи йилдан бошлаб эса юз фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар.

Туристтик фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳам имтиёзлар жорий этилган бўлиб, Солиқ кодексининг 71-моддасига кўра туризмнинг қуйидаги шакллари мазкур солиқ турини тўлашдан озод этиладилар: тиббий, санаторий-курорт, соғломлаштириш ва туристик экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари.

Имтиёзлар тўғрисида фикр юритар эканмиз, яна шуни таъкидлаш лозимки, янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига ташкил этилган вақтдан эътиборан дастлабки фойда олингунга қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга солиқ солинмайди.

Иккинчи гуруҳ имтиёзларга фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзларни киритиш мумкин. Бу ерда туризм билан шуғулланаётган фирмалар кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун мўлжалланган бошқа имтиёзларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Масалан, кейинги қонунчилик инвестициялаш шароитларининг ёмонлашувига олиб келса, хорижий инвесторларга нисбатан 10 йил давомида амалдаги қонунчилик шартлари қўлланилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 5 фоиздан 10 фоизгачасини экспорт маҳсулотлари ташкил этса, фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 20 фоизга, 10 фоиздан 20 фоизгачасини ташкил этса, 30 фоизга, 20 фоиздан 30 фоизгача – 40 фоизга, 30 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил этса, 50 фоизга камайтирилади. Яна бир имтиёз шундан иборатки, корхона томонидан олинган эркин алмашинадиган валютадаги тушум товарлар (хизматлар, ишлар) экспорт ҳажмининг ўсиши ҳисобига шаклланган бўлса, у фойдадан олинадиган солиқдан озод қилинади.

Устав жамғармасида хорижий капитал улуши 30 фоизни ташкил қилган қўшма корхоналар, шунингдек, хорижий корхоналар, уларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба корхоналари фойдасига 25 фоизлик фойда солиғи қўлланилади.

Агар туристик фаолият билан шуғулланаётган фирма ўзи ишлаб чиқарган товарни экспорт қилса, у ҳолда мазкур фирмадан акциз солиғи олинмайди, агар экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қўшма корхона шаклидаги туристик фирманинг устав жамғармаси 500 минг доллардан юқори бўлса, мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Бундан ташқари қўшма корхона шаклидаги туристик фирма ходимларининг шахсий мол-мулклари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан бож тўлови ундирилмайди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари яна шуни кўрсатадики, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим.

“Туризм тўғрисида”га қонунда туристик фаолиятни амалга оширувчи субъектлар турлари келтирилмаган. Ваҳоланки, туризмга оид хорижий мамлакатлар қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатларда турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Масалан, Россия Федерациясининг “Туристик фаолият асослари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида⁸ ёки Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ҳужжатларида ушбу атамаларнинг таърифлари келтирилган. Ушбу бўшлиқнинг тўлдирилиши туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм

⁸ «Федеральный закон Российской Федерации об основах туристской деятельности в Российской Федерации» от 24 ноября 1996 года.

қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади.

Яна бир жиҳат эътиборга молик бўлиб, бизнинг фикримизча, туристик фаолият субъектлари жумласига яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб мамлакатларда яқка тартибдаги тадбиркор фуқаролар туризм фаолияти билан муваффақиятли шуғулланмоқдалар ва уларнинг мазкур турдаги фаолият билан шуғулланишлари учун қонуний асос мавжуд.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда туризм фаолияти ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижалари қуйидаги жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатишни тақозо этади:

Биринчидан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Солиқ Кодекслари, 1999 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва ушбу соҳани ислоҳ қилишга оид Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирларни кўзда тутиб, уни ривожлантиришга қаратилган асосий қонуний кафолатлар ва қоидалар қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш, туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш, болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш, туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг

хуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш, туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда турист моддий зарар тўланиши ва маънавий зарарнинг ўрни қопланишини, айни вақтда туристик фаолият субъектлари туристлар томонидан етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- туристларни суғурта қилиш мажбурий бўлиб, у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли ташкилотлар билан тузиладиган битимлар асосида амалага оширилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида туристик фаолият билан шуғулланаётган корхона ва фирмалар учун бир қатор имтиёзлар тақдим этилган бўлиб, унда солиқ соҳасидаги имтиёзлар алоҳида ўринга эга. Бу имтиёзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси - фирма ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлар, иккинчиси - фаолият соҳасидан қатъий назар тақдим этиладиган умумий имтиёзлар.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, унинг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, туризм ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари қуйидаги йўналишда такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ:

- “туристик фаолияти субъектлари”га “туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибдаги

лицензияга эга бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари” сифатида таъриф бериш мақсадга мувофиқ;

- “Туризм тўғрисида”га қонунга турфирма, туроператор, турагент каби тушунчаларнинг таърифларини киритиш лозим. Бу туризм фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини мукамалроқ бўлишини таъминлаш билан бирга туризм қонунчилигининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқаро стандартларга яқинлашувига олиб келади;

- туристик фаолият субъектлари жумласига яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни ҳам киритиш лозим.

1.2. Ўзбекистон минтақаларида туризм бозори ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Ҳар қандай шароитда, хусусан, ўтиш даврида туризм соҳасини ривожлантиришда давлат асосий рол ўйнайди. Деярли барча давлатлар миллий иқтисодиётида туризм тармоғининг аҳамиятини оширишга ҳаракат қилишади. Чунки, туризм миллий иқтисодиётини ривожлантиришда қуйидаги устуворликларга эга: маҳаллий ишчи кучларини малакали меҳнат ва яшаш шароитлари билан таъминлаш манбаи; бозорни шакллантириш ҳамда капитал инвестицияларнинг оқиб келиш механизми; қурилиш (меҳмонхоналар, кемпинглар, мотеллар), коммуникация (уяли, теле ва оптик алоқа), транспорт (автомобиллар, автобуслар, халқаро андозолардаги темир йўл вагонлари, самолётлар), шунингдек хизмат кўрсатиш инфратузилмаси (авто ёқилғи қуйиш станциялари) каби соҳаларга янги технологиялар ва ноу-хау жорий этиш воситаси; миллий халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш воситалари; мамлакатда ва ҳудудда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш омиллари; тарихий ёдгорликлар ва маданий меросни асраш усуллари; давлатнинг валюта даромадларини самарали ошириш воситалари. Умуман олганда, давлат туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратади, бу

соҳа учун кадрлар тайёрлаш масаласини йўлга қўяди, виза режимини соддалаштиради, туристик маҳсулотлар ва анъанавий товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Мамлакатимизда туризм, хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, жумладан Президентимизнинг йил якунларига бағишланган маърузаларида ҳам бу соҳа ривожига эътибор бериб, “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”⁹ деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг ривожланиши ҳақида гапирар эканмиз, мамлакатнинг асосий туризм минтақаларига бўлиниши хусусида тўхталиб ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Республикада тўртта асосий туристик минтақа мавжуд бўлиб, улар Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Тошкент ва Хоразм туризм минтақаларидир.

Фарғона туризм минтақаси Фарғона водийсини ўз ичига қамраб олади. Унинг туристик ресурслари археологик қазилмалари ва меъморчилик обидалари, қулай табиий шароитлар, анъанавий халқ ҳунармандчилиги ва санъати маҳсулотлари, саноат ва аграр комплекслардан иборат. Бу ерда автомобил ва темир йўлларнинг кенг тармоғининг мавжудлиги ҳам Фарғона минтақасидан туризм мақсадларида фойдаланишга, унинг бутун ҳудудида туризм базалари ва дам олиш масканларини жойлаштиришга имконият яратади.

Тошкент туризм минтақаси келгусида туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун универсал имкониятларга эгадир. Мазкур туризм минтақасидаги маданият ёдгорликлари, пойтахт вилоятининг бугунги ҳаёти, қурилишлар, янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий маданият, минтақанинг

⁹Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январь.

табиати, бой ландшафти, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси унинг диққатга сазовор бўлишига сабаб бўладиган муҳим омилдир. Автомобил ва темир йўллари тармоғи Тошкент туризми минтақасидаги туризм марказларини бир-бири билан боғлайди ҳамда шаҳар атрофидаги темир йўл ва автомобил туризмни ривожлантиришга имкон беради.

Самарқанд-Бухоро туризм минтақаси Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига қамраб олади. Самарқанд ва Бухородаги бутун дунёга машҳур меъморчилик обидалари ушбу минтақадаги туризмни ривожлантирилишига асос ҳисобланади. Бундан ташқари, Зарафшон дарёси орқали ўтувчи темир йўл ва кенг тармоқдаги шоссе йўллари, Зарафшон тоғ тизмаси орқали ўтган унчалик баланд бўлмаган доволар ва яхши трассалар минтақада туризмни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай омил ҳисобланади.

Хоразм туризм минтақасининг салоҳияти асосан Хиванинг Ичан қалъа кўриқхонасида жойлашган ва жаҳонда мисли йўқ ниҳоятда бой тарихий-меъморчилик ёдгорликларига таянади. Фаолият кўрсатаётган туризм минтақалари билан бир қаторда яна истиқболли минтақалар мавжуд бўлиб, улар Жиззах, Қарши-Термиз ва Ўрта-Қорақалпоқ минтақаларидир. Келажакда бу минтақалардаги мавжуд имкониятларнинг ривожлантирилиши мамлакатимизда туризм хизматлари бозорини янада кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Туризм-одамларнинг ўзлари доимий яшаб турган жойидан ёки мамлакатидан бошқа жойга ёки мамлакатга буш вақтини мазмунли ўтказиш, дам олиш, соғломлаштириш, меҳмонда бўлиш, спорт, иш юзасидан масалаларни ҳал қилиш каби мақсадларда фақат ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатага жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) дир.

Замонавий туризмни ўзига ҳос хусусиятларини белгилаш мақсадида унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади:

№	Таснифланадиган белгилар	Туризм турлари
1	Географик тамойил бўйича	1.1 ички 1.2 ташқи (халқаро)
2	Туристтик оқимлар йўналиши бўйича	2.1 кирувчи 2.2 чиқувчи
3	Мақсадлар бўйича	3.1 рекреацион 3.2 соғломлаштирувчи 3.3 билимини ошириш 3.4 малакавий иш туризм 3.5 спорт 3.6 шоп-турлар 3.7 саргузаштли 3.8 зиёрат сафари 3.9 кумсаш 3.10 экотуризм 3.11 экзотик
4	Молиялаштириш манбаи	4.1 ижтимоий 4.2 тижорат
5	Харакатланиш усули	5.1 яёв 5.2 авияттранспорт 5.3 денгиз транспорти 5.4 автотуризм 5.6 темирйул 5.7 велосепид 5.8 уловлар 5.9 аралаш
6.	Иштирок этувчилар сони бўйича	6.1 индивидуал 6.2 оилавий 6.3 гуруҳ
7	Жойлашув воситалари	7.1 отел меҳмонхона 7.2 мотел 7.3 пансионат 7.4 кемпинг 7.5 палатка ва х. к
8	Ташкилий шакллари	8.1 ташкил қилинган 8.2 ташкил қилинмаган

Ички туризм - ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқороларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда туристик мақсадларда саёҳат қилишига айтилади.

Халқаро туризм-вақтинчалик келган жойда фаолиятига ҳақ туланмайдиган, доимий яшаш мамлакатидан ташқарига чиқиш, туристик мақсадларда сафар қилиши тушунилади.

Бу икки кўринишдаги туризм фаолияти бир-биридан тубдан фарк қилиб, унинг салмоғи, даромадлиги, иқтисодийётга таъсири ҳам ҳар хилдир. Халқаро туризм фаолиятидан фойда олиш самараси юқори албатта, лекин бу ички туризм умумий иқтисодийётга тасири кам бўлади дегани эмас. Агар ички туризм фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, ривожлантурса, ундан кўплаб фойда кўриш мумкин. Аксарият кўплаб чет эл мамлакатларда халқаро туризмдан кўра ички туризмдан кўпроқ фойда кўришади. Дунё сафарларнинг 80-90% ни ички туризм улуши тўғри келади. Ички туризм айниқса АҚШ да юқори кўрсаткичларда.

Ривожланган мамлакатларда туризм уйғун ҳолатда таракқий этади. Ички ва ташқи туризмда баланс мувозанати мавжуд. Ички туризм миллий туристик индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам беради. Аммо, амалиётда ҳамма мамлакатларгина бунга амал қиладилар. Лекин шундай мамлакатлар борки унда ички туризм билан шуғилланишига барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

Ер юзасида кўплаб давлатларнинг аҳолиси туризм мақсадида хорижга чиқишга қодир эмас, шуни инобатга олган ҳолда улар учун давлатнинг ўзида ичида уларга хизмат кўрсатиш шароитини яратиш керак. Тўғри аҳолининг муаян қисмининг оладиган маоши кам ёки муаян қисми камбағал бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳам талабларини инобатга олган ҳолда эҳтиёжларини қондириш мақсадида улар учун алоҳида махсус, арзон нархдаги турларни ишлаб чиқариш керак.

Сўнгги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳукуматимиз ва хорижий инвесторлар томонидан туризм инфратузилмаси учун маблағ ажратилди. Йирик меҳмонхоналар қурилди, модернизация қилинди, янги замон талаблардаги автобус ва авиалиниялар сотиб олинди. Йирик туристик марказлар, маданий ёдгорликлар таъмирланди, йўллар барпо

этилли маҳаллий ва хорижий туристлар қабул қилинмоқда, рекреацион, ҳудудлар масалан, Чорбоғ, Чимён ҳудудидаги республика бюджетидан катта маблағ ажратилди, маданий атрахий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Республикада ички туризмни ривожлантириш бутун дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби тарихий шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг туризм ва дам олиш эҳтиёжларини тўлароқ кондириш учун туристик ресурслардан максимал тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, бошқа иқтисодий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, туристик хизматлардан, айниқса, транспорт, меҳмонхона, овқатлантириш хизматлари даражасида ва нархи туристларни қаноатлантирмайди. Маҳаллий туристлар учун ҳам хорижий туристлар учун ҳам бир хил нарх белгиланган, лекин Нью-Йорк ва Самарқанд шаҳарлари аҳолиси яшаш тарзи даромадлари бир хил эмаску.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикаси ҳудудида ички туризм билан шуғулланадиган тур фирмалар кам ҳисобланади. Бунга асосан маҳаллий аҳолининг ҳоҳиш истаги сабаб бўлмоқда. Маҳаллий аҳоли хордиқ чиқариш, дам олиш, саёхатга чиқиш, зиёратга бориш каби туристик фаолиятларни ўзининг шахсий ҳисоби, яъни тур фирма орқали эмас, режасиз тарзда ўтказди. Бу унинг ҳоҳиши, негаки тур фирмалар истеъмолчиларнинг ишончини ололмагани асосий сабабдир тур фирмалар томонидан кўплаб анжуманлар ўтказилса, асосийси реклама ютуқ бўлса аҳоли ахборот билан тaminланса у шу фирманинг хизматларидан фойдаланади.

Ички туризмнинг афзаллик ва ахамияти:

- унга кетаётган харажатлар халқаро туризм харажатларидан 5-10 баробар кам ҳисобланади, харажатларни камайтириб иқтисодий самарага эришиш мумкин;

- Ўзбекистон республикаси ҳудудида тарихий, диний экологик, эгзотик, маданий, табиий, соғломлаштириш масканлари жуда ҳам кўп, яъни

худудда туризмни ривожлантириш учун туристик ресурслар етарли ва булар орқали ички туризмни йўлга қўйиш мумкин;

- аҳоли ички туризм орқали нафақат кўнгилли дам олади, у ўз юрти хақида ахборотга маълумотга эга бўлади, савияси билими ошади;

- ички туризм фаолияти билан шуғулланган тур фирмалар хизматларидан фойдаланаётган маҳаллий туристлар тур фаолият, хизмат кўрсатиш давомида суғурталаниш имконияти бор. Режасиз саёхатга чикган (тур фирма орқали эмас) турист йўлдаги хавф хатарлар, ортиқча харажатлардан холис бўлмайди, албатта. унга кўрсатилган хизматдан коникмаса, у ўз пулини қайтариб олмайди. Тур фирмалар истеъмолчилари талаб ва ҳақ-хуқуқлари ҳамиша ҳимояланади, тур фирма уларга жавобгар ҳисобланади.

- ички туризмда аҳоли ҳеч қандай виза, паспорт ва бошқа ҳужжатлар билан бўлган муаммолари бўлмайди. Бошқа бир тил масаласи билан ҳам, валюта масалалари билан ҳам муаммолар бўлмайди.

- муҳим иқтисодий ва сиёсий муаммолардан бири ишсизлик нисбатдан камаяди. Ички туризм йўлга қўйилса, аҳоли иш билан таъминланиб янги иш ўринлари очилади.

- ички туризмда ижтимоий кўмак бор, аҳолининг паст қатламлари учун махсус чегирмалар, арзон турлар сотилиши туфайли, аҳолини жалб қилиб, уларни эҳтиёжини қондириш мумкин.

- Ўзбекистон ҳудудида кўплаб масканлар борки, улар хақида халқ билмайди, ахборотга эга эмас, шундай масканларга янги махсус йўналишлар ишлаб чиқиб, нафақат ички туристларга, хатто ташқи халқаро туризмга ҳам жалб қилиб, ривожлантириш мумкин.

- ички туризмни йўлга қўйишнинг кўплаб шароит ва имкониятлари мавжуд экан, улардан оқилона иш тутиб, ривожлантирмоғимиз даркор.

Ички туризмнинг асосий манбалари бугунги кунда дам олиш санаторийлари, айниқса, тоғли худудлар бўлиб, бу ерга келувчилар сони ҳам 2004 йилга қараганда 1,5 баробар ошган. Буни «Чорвоқ», «Чимён»,

«Белдерсой» ва «Тошкент» оромгоҳлари йил сайин оммалашиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Умуман, юртимизда туризм соҳаси халқимизнинг миллий бойлигига айланиши учун барча имкониятлар бор, имтиёзлар мавжуд. Шуниси аниқки, оқ олтин, қора олтинлар сафини ҳам эгалласа, ундан нафақат миллиардлаб даромад олинади, балки юртимизнинг обрў-эътибори ҳам дунё миқёсида баланд бўлади

Бу борада мамлакатимизда кўплаб ресурслар мавжуд. Мисол учун, республикаимизда 4000 дан ортиқ меъморий ёдгорлик бўлиб, уларнинг кўпчилиги қайта таъмирланган. Туристлар эътиборига таклиф этилаётган тарихий обидаларнинг аксарияти XII-XX асрларга мансуб бўлса, уларнинг орасида IV-IX асрга оидлари ҳам учраб туради. Бухоро шимоли ва шимолий шаркидаги Сармиш, Нурота тоғ тизмалари, Сурхондарё вилоятидаги ибтидоий жамоа тузумига хос ёдгорликлар шунингдек, кўплаб қадимий шаҳарлар қолдиқларида олиб борилган археологик қазилма ишлари, табиий кўриқхоналардаги ноёб ҳайвонлар ҳар қандай сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Ҳукуматимиз томонидан ўтган даврда кўплаб диний-маданий зиёратгоҳларимиз тубдан таъмирланиб, буюк аждодларимизнинг тўйлари нишонланди. Ал-Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, имом ал-Мотуридий, ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг таваллуд кунлари, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари, “Алпомиш” достонининг юбилей тадбирлари муносабати билан кўпгина ёдгорликларимиз ўзгача маҳобат касб этди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканларнинг мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Мамлакатимизда туристик корхоналарнинг асосий вазифаси ҳам мамлакатимизга хорижий туристларни кўпроқ жалб қилишдир. Шу ўринда Президентимизнинг ўз маърузаларида ҳам экспортга йўналтирилган корхоналар ривожига эътибор бериб жумладан: “Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни

янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур”¹⁰ деб таъкидлаганлар. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмни ҳам ўрни катта бўлиб ундан даромад олиш, маҳаллий аҳолини талабларини қондириб уларга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, ишсиз аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш керак. Бу борада “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Марказий Осиёдаги энг яхши авиаташувчига айланди; “Тошкент – Бухоро - Тошкент” темир йўли йўналишидаги хизмат даражаси сифат жиҳатдан жаҳон андозаларига мослаштирилди, “Тошкент – Самарқанд - Тошкент” йўналишида эса шинам, тезюарар поезд қатнови йўлга қўйилди. Амударё устидан темир йўл кўприги қуриб ишга туширилишининг ҳам туристик аҳамияти беқиёс.

Шу билан бирга, қабул қилинган дастурга кўра, инфратузилмани ривожлантириш мақсадида бошқа ишлар ҳам олиб борилмоқда. Самарқанд вилоятидан Сурхондарёгача бўлган темир йўл тармоғини электрлаштириш, “Қамчиқ” довони орқали Фарғона водийсига ўтувчи темир йўл қурилиши, Сурхондарёда замонавий меҳмонхоналарни ишга тушириш каби вазифалар ҳам белгиланган.

Айни чоғда, Ўзбекистонда туризм маҳсулотини халқаро ва ички сайёҳлик бозорида сотиш учун малакали мутахассис кадрларнинг ўрни беқиёс. Шу мақсадда Тошкент Давлат Иқтисодий университетидан “Халқаро туризм” факультети ташкил этилиб, унда туризм тармоғи учун малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Туризмни ривожлантиришда эътиборга олинishi лозим бўлган яна бир жиҳат шундаки, туристик имкониятлардан келгуси авлод ҳам манфаат кўришини ҳисобга олиб, тарихий бинолар атрофида қурилаётган ҳар бир

¹⁰ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2012 йил 21 январ.

янги бино қурилиш услуби, кўрку жамоли миллий меъморчилигимизга уйғунлашувини таъминлаш зарур.

Қисқаси, ҳукуратимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

1.3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1-сентябрда ўзининг мустақилигини қўлга киритиши натижасида мамлакатда иқтисодий ислохотлар жадаллик билан ўтказила бошланди. Шу сингари миллий туризм ҳам шу йиллардан шакллана бошлади. Миллий туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига "Ўзбектуризм" МК бош қош бўла бошлади. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда «Ўзбектуризм» МК давлат бошқаруви, ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Миллий туризм ривожланиши демак шу йиллардан бошланди десак ҳато бўлмайди. Миллий туризмни ривожлантириш мақсадида ислохотлар босқичма босқич амалаг оширила бошланди.

Миллий туризм тизимида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи 1992 йилда бошланган дейиш мумкин. Республикада бошланган ушбу ислохот янги иқтисодиётга асосланиб олиб борилди.

Туризм тармоғини иқтисодий ислох қилишнинг иккинчи босқичи 1993-95 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда турмуш ривожланишнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда бир қанча муаммоларни туғдирди. Бу муаммолар

янги туристик маршрутларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасни кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий такомиллаштириш ва ҳ.о.лар билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат «Ўзбектуризм» МК доирасида ечиш мумкин эмас.

Туристтик объектлар давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Номерли фондда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

1993 йил охирига келиб республика туризм тизимида ҳуқуқий ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди.

1995 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бутун мамлакат ҳудудида амал қилувчи ягона туристик виза ўрнатилди (давлат томонидан белгиланган объектлардан ташқари). Туризм ривожининг иккинчи босқичига қўйилган бошқа бир қадам тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура иншоатлари, яратилган санъат асарларнинг сақлаш ва кўпайтиришга йўналтирилган «мерос» миллий дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши бўлди. Бу даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивада халқаро туризм бўйича маҳсус очиқ иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. «Ўзбектуризм» МК туроператорлар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ҳаво алоқасига эга бўлган мамлакатларда ўз ваколатхоанси (вакил) очди. Германияда (Франкфурт), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб Амирликлари (Шардж), Россияда. (Москва)

1995 - 1997 йилларда туризмни ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи амалга оширилди. Бунда хизматлар соҳасида фаол хусусийлаштириш бошланди. 1996 йили «Ўзбектуризм» МК тизимидаги барча туристик объектларнинг умумий соннинг 90 % ти давлат тасарруфидан чиқарилди¹¹.

1998 йилдан ўзбек туризмни ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичга қадам қўйилди. Бу қайта тикланиш босқичи бўлиб, экспорт салоҳиятнинг ошиши, валюта, турист, хусусий капитал ва инвестициянинг барқарор оқимни таъминлашга олиб келди. Вазирлар Маҳкамасининг «Туристтик

¹¹ «Ўзбектуризм» МК ҳисоботларидан.

ташкilotлар ташкил этилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзбектуризм» МК қайта ташкил қилинди ва Ўзбекистоннинг хусусий туристик ташкilotлари Ассоциацияси яратилди.

1999 йилнинг майдан бошлаб туризм иқтисодиётнинг ислоҳ қилишнинг бешинчи босқичи бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатда миллий халқаро туризмнинг мавқени, унинг иқтисодий асосларни қатъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкilotларга қўшимча божхона имтиёзларни яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм бўйича маслаҳатчи лавозимида киритилди. 1999 йилнинг августида Парламент «туризм тўғрисида»ги қонунни абул қилди ва иқтисодиётнинг бу тармоғнинг амал қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Шундай қилиб, МК олдида асосий вазифа-Ўзбекистоннинг туристик компаниясни келажакда ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг халқаро туристик тизимга юқори ривожланган индустрия сифатида қўйиши турибди. Бунинг учун, албатта, иқтисодиётнинг бу тармоғидаги ислоҳотлар стратегияси ва тактикасни доимо такомиллаштириб бориш зарур.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган резервлар ҳозирча “жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятни барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамбллари томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда пастдир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар илгари сурилмоқда.

Бутун дунёда қўшма корхоналар тузиш, туристик комплексларни

хамкорликда ишлаб чиқариш ва қуриш, ишлаб турган объектларни янгилаш мақсадларида бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш давлатнинг туризмни ривожлантириш сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Республикада америкалик, туркиялик, покистонлик, германиялик, хиндистонлик, италиялик ва бошқа малакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли хамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқ ташкил қилинмоқда. Хорижий инвестициялашни имтиёзли йўналишлари қаторига туризмнинг замонавий инфраструктурасни, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктураснинг ташкил қилишлар ҳам киради. Буларсиз ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва халқаро инвестиция фаолиятни кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Чет эллик инвесторнинг максимал даромад олишига интилиши ҳамда бу лойиҳани келгусида амалга ошириш учун қулай шарт - шароитлар, хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай инвестиция жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик модельни шакиллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Республикада бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда туризм ўзининг миллий даромадни қайта таъқсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида Президентимиз ҳам ўз маърузаларида “Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда”¹² деб ўз фикрларини билдирган.

¹² Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 21 январь 2012 йил 21 январь.

Бозор иқтисодиётида туристларга асосан хусусий ва тижорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар давлат мақул иқтисодий ва ҳуқуқий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланади. Бошқа томондан агар давлат касбий тайёрлаш, табиий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот-реклама ишлари расимятчиликнинг энгиллаштириш муаммолари билан шуғулланмаса фақат бозор стихияси ҳуқумронлик остида туризм ривожланишнинг керакли даражасига ета олмайди. Бунда давлат томонидан мос методологияси методик ва амалий ёндашувларнинг ишлаб чиқариш туристик хизматлар бозорнинг ташкил этилишига аҳамият бериш керак.

Ўзбекистон туризмида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда ҳар бир ҳудуд ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туристларга хизмат турларини таклиф этади. Бунда бошқарув ҳам етакчи рол ўйнайди, чунки тўғри бошқарув ривожланишнинг гарови ҳисобланади. Республикамизда туристик ҳудудларни ажратишда нафақат туристик соҳанинг замонавий ҳолати, балки мавжуд административ-ҳудудий булим микёсида уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш зарур. Бундай бўлиниш миллий туризмни ривожлантиришда ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни тақазо этади. Туризм зоналарини бўлиниши уларга эркин иқтисодий зоналар макони берилганда ва мавжуд потенциал ресурслардан самарали фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга.

Туризм объекти уч компонентни ўз ичига олади: туризм ҳудуди, туризм ташкилоти ва туризм корхонаси.

Туризм ҳудудини аниқлашда бир неча ёндашув мавжуд, улар қуйдаги саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ: туризм сафари учун танланган ҳудудни қандай аниқлаш мумкин ва туризм мақсади сифатида қандай ўлчамларга эга бўлган ҳудуд бозор сегментлари томонидан қабул қилинади.

БТТ дам олиш мақсади, ўқитиш жараёни ёки соғломлаштиришни ташкил қилиш учун зарур бўлган кенг махсус қурилмалар ва хизматларга эга

бўлган ҳудудга туризм ҳудуди деб таъриф беради. Туризм ҳудуди, бу сафар мақсади ва туризм маҳсулотиди.

“Туризм ҳудуди” деб турист сафар мақсади учун танлаган жуғрофий ҳудудни тушунилади. Бундай ҳудудда турист етиб келиши, жойлашиши, овқатланиши ва дам олишини ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳамма шароит муҳайё.

Туризм ҳудуди дам олиш нуқтаи назаридан 4 та параметрга эга: турар жой, жой, ландшафт ва экскурсиялар.

Замонавий туризмда ҳудудга таъриф беришда ҳудудни рақобатли бирлик деб тасаввур қилиш керак ва истеъмолга йўналтирилган фикрлашдан фойдаланиш лозим, бутун ҳудуднинг ишлаб чиқариш аппарати фақат истеъмолчининг талабига мос хизматлар мажмуасини ишлаб чиқиши ва бу хизматлар мажмуаси хизматлар мақсади деб тасвирланиши мумкин. Хизматлар занжири истеъмолчининг нуқтаи назаридан хизматларни алоҳида элементларга ажратувчи таҳлилий қуролдир. Истеъмолчи корхонанинг турли хизмат элементларидан фойдаланганда уларни шу ҳудуднинг хизмати ва хизмат сифати деб баҳолайди.

Ҳудуднинг рақобатбардош бирлик сифатидаги стратегик мақсади ҳудуднинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини таъминлашдир. Туризм фаолият соҳаси 4 та блокдан иборат:

- коммуникация ва маҳсулотни сотиш;
- туристик анжуманларни ўтказиш;
- туризм иншоатларини фойдаланишга топширишга тайёрлаш;
- туризм инфратузилмасини режалаштириш.

Ҳудуддаги туристларга хизмат кўрсатиш қуйидаги ташкилотлар орасида тақсимланади:

- хокимиятлар (шаҳар даражасида),
- меҳмонхона мажмуалари ва овқатланишни ташкил қилувчилар вакиллари;
- туроператорлар ва воситачилар;

-транспорт ташкилотлари.

Туризм ташкилотлари туризм сиёсатини шакиллантиради, яъни улар туризм учун фойдали асос бўлувчи шу соҳа чегаравий шартларини яратиш ва кўл-остидаги ҳудудлар ривожланишини рағбарлантириши керак. Туризм ташкилотлари хусусий ёки давлат бирлашмалари шаклида бўлиши мумкин. Улар ўз фаолиятларини уч даражада олиб борадилар: миллий (федерал), вилоят ва шаҳар (хокимият).

Масъулият ва мажбуриятларини тақсимлаш бўйича турли даражадаги туризм ташкилотлари орасида қуйдаги функцияларни кўрсатиш мумкин:

-таклиф функцияси энг қуйи поғонадаги ташкилотларга юкланган, улар хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашади ва маҳсулотларни яхши билишади;

-манфатлар ҳимояси функцияси ҳар бир даражада бажарилиши керак;

-маркетинг функцияси ҳар бир ҳудуднинг машҳурлиги, аҳамияти, обрўси ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бажарилади;

-етақчи тимсолини яратиш ва сақлашни ҳар бир даражадаги ташкилотлар бажариши лозим.

Эски ташкилий тузилма қуйи босқич мансабдорлари юқори мансабдорларига бўйсинишга асосланиб фикрланган ва сиёсий қарорларни акс эттирган. Янги туристик ташкилотлар бозор муносабатлари нуқтаи назаридан иш тутишмоқда. Шундай қилиб, туристик ташкилотлар бозор муносабатлари шароитида сотиш мумкин бўлган турхизматларни яратувчи бошқарув органи ва хусусий ташкилотлардан иборат.

Туризм корхоналари бирламчи ва икиламчи хизмат кўрсатувчи корхонага бўлинади¹³. Биринчи турга қуйдагилар мансуб:

-туроператорлар ва турвоситачилар;

-махсус хизмат транспорт корхоналари;

-меҳмонхона ташкилотлари;

Иккинчи турга қуйдагилар киради:

¹³ Буторова Н. В. Менеджмент и маркетинг иностранного туризма. -М: Советский спорт. 1999 г. 43 ст.

-овқатланиш корхоналари;

-умумий фойдаланиш транспорт воситалари.

Минтакаларда бошқарув тизимини ташкил қилишнинг асосий хусусиятлари ҳисоби шу билан биргаликда Ўзбекистон республикаси доирасида административ бўлиниш натижасида олдинги параграфда таъкидлаганимиздек тўртта туристик -Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро ва Хоразм, ҳозирги кунда эса учта истиқболли –Жиззах, Қарши-Термиз, Ўрта-Қорақалпоқ районларига ажратилган¹⁴.

Худудий бошқарувни ўз ичига олган Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари Фарғона туристик райони ҳисобланиб, республиканинг шарқий қисмида жойлашган. Табiiй-иқлимий шароитларининг турли хиллиги, мажмуаси билан туристик объектларнинг кўп турлилиги соғломлаштирувчи туризмнинг кенг ривожланиши учун худуддан фойдаланиш имкониятини аниқлайди. Фарғона туристик районининг комплексини шакллантирувчи асосий туристик объектлар бўлиб: археологик ва меъморий ёдгорликлар, саноатлашган комплекслар ҳисобланади. Районда табiiй дам олиш зоналари ташкил қилинган. Улар Сух дарёси, Сарик кўрғонида, Ойдин-кўл кўлида, Андижондан жануби шарқда «Боғишамол», Каркидон сув омборида Соғлаштирувчи туризмнинг марказлари бўлиб Комон сой, Водил, Шохимардон шаҳарлари, «Куксарой» «Ширмонбулоқ» туристик базалар, Андижон сув омбори қирғоқлари ҳисобланади. Бу ерда табiiй имкониятлар анча кенгдир.

Темир йўллар ва автомобил йўлларини кенг тармоқлилиги Фарғона районида хорижий туризм индустриясининг ривожланиши учун маъкул келади.

Жиззах туристик райони бошқарувни ташкил қилиш бирлиги бўлиб, Сирдарё ва Жиззах вилояти худудлари киритилади. Район яхши транспорт

¹⁴ А.Н.Норчаев. Халқаро туризм. Маъруза матнлари. ТДИУ 2005 й. 65 б.

йўллари билан таъминланганлик ва табиий ресурсларнинг бойлиги билан маъмурий бошқарувга асос солинишига сабаб бўлади.¹⁵

Қарши - Термиз туристик райони бошқарувни ташкил қилиш бирлиги бўлиб Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари киради. Шаҳрисабз, Кеш, Термизнинг тарихий-меъморий археологик ёдгорликлар, Китобдаги астромик кенглик станцияси туризм ривожланишига асоси бўлиб хизмат қилади. Қашқадарё, Сурхандарё ва Амударё қирғоқларида туризм ва дам олиш зоналари ташкил қилинган. Тоғ туризм базаси Хисор тоғ тизмасига асосланган.

Ўзбекистоннинг яна битта райони - Ўрта Қорақалпоқ рекреацион ўзлаштирилиши мумкин. Бу районнинг ҳудудида ўзлаштирилишига коммуникация билан қуролланиш ва қулайлик бўйича аҳамиятга молик ишларни талаб қилади. Бу ерда экскурсион объектлар:

Тупроқ қалъаси, Бернут қалъа, Гилдурсун, Кат шаҳарчаси жойлашган. Шу билан бир вақтда бу археологик ёдгорликлар Хоразм цивилизациясигача бўлган ёдгорликларга киради ва туризмнинг аниқланган ресурслари сифатида Хоразм туристик районининг тарихий-меъморий комплексидан ажралмас ҳисобланади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун лимий-назарий асослар ишлаб чиқилган. Жумладан, туризм фаолиятини тартибга солиб турувчи “Туризм тўғрисидаги қонун қабул қилинган, шунингдек, соҳани ривожлантиришда дастурлар қабул қилиноқда. Бу дастурлар соҳани ривожланишида ўз самарасини бермоқда.”

Ҳукуматимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон йил сайин туризм ўлкасига айланмоқда. Бу, ўз навбатида халқаро алоқаларни ривожлантириш, халқимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши эса

¹⁵ А.Н.Норчаев. Халқаро туризм. Маъруза матнлари. ТДИУ 2007 й. 72 б.

мамлакатимизга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда туристик хизмат экспортининг ўсишига хизмат қилади.

Ўзбекистон туризмнинг ривожланишида мамлакатимиз бир туристик интақаларга бўлинган ва ҳар бир минтақа ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туристларга хизмат турларини таклиф этади. Республикамизда туристик ҳудудларни ажратишда нафақат туристик соҳанинг замонавий ҳолати, балки мавжуд административ-ҳудудий бўлим микёсида уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш зарур. Бундай бўлиниш миллий туризмни ривожлантиришда ва туристик ресурслардан рационал фойдаланишни тақазо этади. Туризм зоналарини бўлиниши уларга эркин иқтисодий зоналар макони берилганда ва мавжуд потенциал ресурслардан самарали фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга.

2-БОБ. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳолати ва унда Хоразм вилоятининг туристик микониятлари.

2.1. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар.

Ҳозирги кунда мамлакатда туризмни ривожлантиришда ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев раислигида туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини кўпайтириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди, унда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашнинг 27.12.2011 йилдаги №01-14/1-299—сон баённомасига кўра яқин истиқболда 2011—2012 йиллар даврида туризм соҳасини ривожлантириш ва минтақалар туристик хизматларининг экспорт салоҳиятини кўпайтириш бўйича тасдиқланган аниқ тадбирлар дастурларини бажариш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек мамлакатнинг туристик салоҳиятини хорижий туристик бозорларга олиб чиқиш учун туризмни ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Хусусан, туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий—курорт, даволаш—соғломлаштириш, спорт соғломлаштириш, рекреация ва экотуристтик ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг ягона реестрини яратиш режалаштирилган. Маҳаллий туристларни мамлакат бўйлаб саёҳатларга жалб этиш учун 2012—2013 йилларда ички туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, уларни амалга ошириш дам олувчилар учун қулай шароитлар яратишга ва Ўзбекистонликларнинг республика туристик объектларига

кизиқишини оширишга имкон беради. Шу билан бирга 2012—2016 йиллар даврида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича чоралар комплексини тайёрлаш устида иш олиб бориляпти.

Баённомада йўлардаги туристик кўрсаткичлар намуналарини ишлаб чиқиш ҳам назарда тутилган, улар республиканинг аэропортлари, темир йўл вокзаллари, туристик шаҳарларда ва автомагистралларида ўрнатилади.

Туризм соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш бобида туристларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар учун “Меҳмонпарварлик ва сервис дарслари” мавзусида семинарлар ўтказиш мўлжалланган. Ушбу долзарб вазифа “Ўзбектуризм” МКнинг Республика илмий—ўқув консалтинг маркази зиммасига юкланган, у ўз зиммасига ўқув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш функцияларини ҳам олади.

Ўзбекистоннинг хориждаги туристик имкониятларини намойиш этадиган тадбирларни ташкил этиш иши давом этапти. Шунини таъкидлаш лозимки, тугаётган йилда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари томонидан республиканинг туристик салоҳияти тақдими бўйича жами 400 дан ортиқ тадбир ўтказилди, бу эса Ўзбекистонга қўшимча туристик оқимларини жалб этишга имкон берди.

Баённомада Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини янада ривожлантиришга йўналалтирилган бутун бир қатор бошқа тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Жорий йилнинг феврал ойида “Ўзбектуризм” МК ҳаятини 2011 йил якунлари ва 2012 йилда тармоқни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди, унда компания минтақавий бўлимларининг вакиллари ва саёҳат бюроларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисида мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ўтган йили қилинган ишлар ҳар томонлама таҳлил қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 январидagi мажлисида Президент Ислам Каримов қилган маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда таъкидланганидек, 2011 йилда хизмат кўрсатилган чет эллик ва маҳаллий туристларнинг умумий сони 1 млн кишидан¹⁶ ошди, шу жумладан туризм соҳаси корхоналари томонидан 463,4 млн нафар чет эллик туристга хизмат кўрсатилди. Бунда хизмат кўрсатилган туристлар сонининг ўсиш суръатлари ўтган йил билан таққослаганда 5,4% ни ташкил қилди. Ўтган йили Ўзбекистонга 1 млн нафардан зиёд чет эл фуқаролари келиб кетди.

Туризм соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳисобига кўрсатилган туристик хизматларнинг умумий ҳажми 2011 йилда 2010 йилдаги кўрсаткичлардан 8,3% га ошди.

Туристик хизматлар экспортининг прогнози 112,0% га бажарилди. 2010 йил билан таққослаганда ушбу кўрсаткич 127,8% ни ташкил қилди¹⁷. Дунё туризмида мамлакатлар ичида Франция, Испания, АҚШ, Италия, Буюк Британия, Хитой мамлакатлари етакчилик қилишмоқда. Мамлакатимизда туристик корхоналарнинг асосий вазифаси ҳам мамлакатимизга хорижий туристларни кўпроқ жалб қилишдир. Шу ўринда Президентимизнинг ўз маърузаларида ҳам экспортга йўналтирилган корхоналар ривожига эътибор бериб жумладан: “Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференсиялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур”¹⁸ деб таъкидлаганлар. Чет элдан меҳмонларни қабул қилиш сони бўйича етакчилик бир неча йиллардан буён Франция томонидан сақлаб келинаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирда Францияга дунё бўйича халқаро туризмга чиққан саёҳатчилар 10 фоизини ташкил қилаётган бўлса, туризмдан

¹⁶ “Uzbektourism.uz” сайти маълумотлари.

¹⁷ “Uzbektourism.uz” сайти маълумотлари.

¹⁸ Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи, 2012 йил 21 январ.

даромад олишда АҚШ етакчилиқ қилмоқда. Жумладан, биргина АҚШ ички туризмнинг ўзидан ҳар йили 300 миллиард долларга яқин даромад олмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини рағбатлантириш бўйича ўтказилган тадбирлар натижасида туристик фаолият субъектларининг сони кўпайди. Чунончи, ўтган йилда 124 ташкилотга туристик хизматлар кўрсатиш учун литсензия берилди, улар асосида 55 меҳмонхона хўжалигининг фаолияти ташкил этилди.

Бугунги кунда республикада 898 туристик ташкилот фаолият юритяпти, улардан 510таси туроператорлик фаолиятини амалга оширади, 318таси меҳмонхона хўжаликларидир. Шу билан бирга мамлакатнинг туристик салоҳиятини чет эл бозорларига олиб чиқиш ва чет эллик туристларнинг Ўзбекистон Республикасига оқимини кўпайтириш иши таҳлил қилинди. Чет эл туристик компанияларини Ўзбекистонга туристларни йўналтириш ишига жалб этиш ва мамлакат туристик маҳсулотини хорижий бозорларига олиб чиқиш бўйича ўтказилган тадбирлар ҳам ўз натижаларини беряпти.

Хусусан, ҳисобот даврида “мега—инфо—турлар” таништириш сафарлари лойиҳасини амалга ошириш давомида Ўзбекистонга дунёнинг 36 мамлакатидан чет эллик туристик ташкилотларининг 580дан зиёд вакили ва оммавий ахборот воситаларининг туризм мавзусини ёритишга ихтисослашган 46 вакили келди. Чет эл туристик ташкилотлар ва ОАВнинг Ўзбекистонга жалб этилган вакилларининг умумий сони 627 кишини ташкил қилди.

“Мега—инфо—турлар” таништириш сафарлари лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистонга келадиган туристларнинг сони 2012 йилда ўртача 15% га кўпайишига имкон яратади деб фараз қилинмоқда.

2012 йилда 2011—2012 йиллар даврида туризм соҳасини ривожлантириш ва мамлакат барча минтақаларининг туристик хизматлари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича аниқ тадбирлар дастурларини амалга ошириш иши давом эттирилади.

Дастурларда белгиланган тадбирларни амалга ошириш якунлари бўйича 2012 йил охиригача республикада 77 меҳмонхона ва шунга ўхшаш бошқа жойлаштириш воситалари қурилиши; туристларга кўрсатиш учун 90 объект барпо этилиши; туристларга сервис хизмати кўрсатадиган 70 объект қурилиши; туристларга хизмат кўрсатиш учун янги 53 автобус ва микроавтобус харид қилиниши кутиляпти.

Мажлисида тармоқни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва камчиликларга алоҳида эътибор берилди. Тармоқ корхоналари томонидан мамлакатда ички туризмни ривожлантириш иши етарли даражада олиб борилмаётганлиги ва ички туристларга хизмат кўрсатиш ҳажмларини оширишда пассивликка йўл қўйилаётганлик танқидий равишда қайд этилди.

Шу жумладан туристик базалар, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий—курорт, даволаш—соғломлаштириш, спорт—соғломлаштириш, рекреатсион ва экотуристтик ташкилотлар ва муассасаларда ички туристларга хизмат кўрсатиш имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти.

Мажлисида мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Хусусан, 2012—2013 йилларда ички туризмни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларни тайёрлаш ишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур дастурларни амалга ошириш дам олувчилар учун қулай шарт—шароитлар яратиш ва Ўзбекистонликларнинг мамлакат бўйлаб туристик сафарлар қилишга қизиқишларини фаоллаштириш учун имкон яратади.

Туристтик хизматлар сифатини такомиллаштириш бўйича иш доирасида “Ўзбектуризм” МК ҳузуридаги Республика илмий—ўқув консалтинг маркази зиммасига мамлакат туристик кадрларнинг малакасини ошириш вазифалари юкланди. Шу муносабат билан туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотлар учун “Меҳмонпарварлик ва сервис дарслари” мавзусида семинарлар туркумини ўтказиш мўлжалланган.

2.2. Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2010 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди”¹⁹ деб таъкидлаганлигини инобатга олиш зарур ва бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат томонидан эътибор кучайтирилмоқда, ушбу соҳада ҳам президентимизнинг қуйидаги сўзларини ҳисобга олиш зарур “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

2010 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида — 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса — 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари қанча юқори

¹⁹ И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март

суръатлар билан ривожланди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди”.²⁰

Умуман, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви шароитида хизмат курсатиш ва сервис соҳаси жараёнларни такомиллаштириш ва прогнозларини ишлаб чиқиш, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган нуқсонларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўналишларини кўрсатиб бериш, бу соҳада амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурати муҳим масала эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 45 та Ҳукуматлараро ва 48 та Идоралараро келишув ва шартномалар имзоланди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти аъзоси бўлди, 1994 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ давлат иштирокида “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” мавзусида “Ипак йўли”ни қайта тиклаш бўйича 1-Халқаро Форум ўтказилди. Форум якунида “Самарқанд” декларацияси қабул қилинди. 1995 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида биринчи “Буюк ипак йўли туризми” номли халқаро туристик ярмарка ўз ишини бошлади.


1997 йилнинг октябрь ойида Стамбул шаҳрида бўлиб ўтган 12-Бош ассамблеясида Ўзбекистон Бутунжаҳон туристик ташкилоти Ижроия Кенгашига сайланди, 1999 йилнинг апрель ойида Хива шаҳрида “Туризмни ривожлантиришда маданиятнинг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, “Хива” декларацияси қабул қилинди. 2001 йилнинг ноябрь ойида Ипак йўлини қайта тиклаш ва туризмни ривожлантириш мақсадида “Бухоро” декларацияси қабул қилинди. 2004 йилда Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида БТТнинг “Буюк ипак йўли” офиси

²⁰ И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март

очилди. 10 дан ортиқ хорижий давлатларда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ахборот марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Туризм тизимининг ҳозирги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикамизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикамизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистонда 2000-2011 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси, минг киши



Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган.

2.1-расм

Шу билан бирга 2.1-расм маълумотлари Ўзбекистонда туристлар сонининг ўзгаришида аниқ бир тенденция кузатилмаётганлигидан далолат беради. Гарчи туристлар сони умуман ўсиш тенденциясига эга бўлаётган бўлса-да, баъзи йилларда пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Чунончи, 2000

йилда жами 770,2 минг нафар туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 4,2 фоизга кўпайди ва 802,95 минг кишини ташкил этди. Аммо 2000 йилга нисбатан 2005 йилда туристлар сони 21 фоизга қисқарди. 2005 йилдан бошлаб эса хизмат кўрсатилган туристлар сони динамикасида муттасил ўсиш кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатилган туристлар сони бўйича мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткичга эришилди ва бу 2007 йил кўрсаткичидан 7,7 фоизга кўп демакдир. 2009 йилда мамлакатимизда 916 минг турист, 2010 йилда эса 1030 минг киши турист қайд этилган.


Хизмат кўрсатилаётган туристлар сони динамикасида бундай нотекис тенденциянинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан изоҳланади. Мамлакатимизда барқарор молиявий-иқтисодий ҳолатнинг шаклланмаганлиги, туризм инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги, туристик расмиятчиликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, кўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикаимизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигида юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга ташриф буюрган жами туристлар сони 2000 йилда 552,8 минг кишидан 2008 йилда 657,83 минг кишигача, яъни қарийб 19 фоизга ўсган бўлса, хорижий туристлар сони 278 минг кишидан 377,45 минг кишига, яъни 35,8 фоизга кўпайган (2.2-расм).

2000-2011 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони динамикаси, минг киши



Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

2.2-расм

Бунинг натижасида мамлакатимизга ташриф буюраётган жами туристлар сонида хорижий туристлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда жами туристларнинг 50,3 фоизини хорижий туристлар ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 57,4 фоизга етган. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий туристларнинг жами туристлардаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 49,7 фоиздан 42,6 фоизгача пасайган. Умуман, 2000-2008 йиллар давомида маҳаллий туристлар сони 2 фоизга ўсган, холос. Ўзбекистонда туристларнинг ўртача яшаш даври МДХ мамлакатлари бўйича 4-5 кунни, узоқ хориж мамлакатлари бўйича 3 кунни ташкил этади. Жадвал маълумотларидан охириги йилда чет эллик туристлар сони 463,4 кишини ташкил этган.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамизда ички туризм ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, жаҳон бўйича жами туристик оқимнинг 80-90 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келиб, ички туризмга сарфланадиган харажатларнинг халқаро туризмга сарфланадиган харажатлардан 5-10 марта юқорилиги кузатилади²¹. Бундай тенденциянинг вужудга келиши ички туризмни ташкил этишнинг нисбатан енгиллиги билан изоҳланади. Ички туризм халқаро туризмдан фарқли ўларок давлат чегараларини кесиб ўтишни тақозо этмайди ва шунга мувофиқ равишда қатор туристик расмиятчиликларга амал қилишни талаб қилмайди. Ички туризмда миллий валюта муомала воситаси сифатида сақланиб қолади, тил билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмайди.

2.2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, 2008 йилда 2863,5 млн. сўмлик туристик хизматлар кўрсатилган. Бу ерда кўрсаткичлар жорий нархларда берилганлиги туфайли реал вазиятни яққол кўрсатмайди. Аммо кейинги йилларда республикамизда инфляция даражасининг пастлигини ҳисобга оладиган бўлсак, туризм хизматлари ҳажмининг ўсаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Туризм хизматлари ҳажмининг ўсиши республикада туризм ривожланаётганлигини тўла ифодалай олмайди. Шу сабабли туристик корхоналар томонидан олинаётган фойда даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. 2.2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 2008 йилда туристик хизматлардан олинаётган фойда 102,5 млн сўмни ташкил этган.

2.3-жадвал

Хоразм вилоятида туризм хизматлари, туризм хизматларидан олинган фойда ва хизматлар экспорти динамикаси

Йиллар	Жами хизматлар, минг. сўм	Фойда, млн. сўм	Хизматлар экспорти, минг доллар
2000	365,51	13,59	1420

²¹ Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс, 2001. – с.18

2001	446,68	42,23	1076,6
2002	726,3	6,95	980,1
2003	252,24	-17,22	713,33
2004	1277,2	4,1	1097,8
2005	1084,8	-96,8	795,24
2006	1375,2	20,1	975,5
2007	2135,3	109,4	1378,8
2008	2863,5	102,5	2189,7

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 2005 йилда туристик корхоналар фойдаси манфий қийматга эга бўлган ва 17,22 млн сўмни ташкил этган. Бу, энг аввало, “Ўзбекистон” ва “Шодлик Палас” меҳмонхоналари учун ҳукуматлараро кредитларнинг қайтарилгани билан боғлиқ.

Шу муносабат билан республикамызда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида ички туризм катализатор ролини бажаради.

Ўзбекистонда туризм ривожланишидаги ижобий жиҳатлардан бири шундан иборатки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида хорижий туристлар сони қисқарган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг ўсиши кузатилади. Бундай ҳолатнинг шаклланиши бир қатор омиллар билан изоҳланади.

Глобал инқироз шароитида Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристлар сонининг ўсиши, энг аввало, мамлакатимизга ташриф буюраётган туристларнинг мақсади ва ёш таркиби билан боғлиқ. Гап шундаки, республикамызга ташриф буюрган жами хорижий туристларнинг 72,2 фоизини, узоқ хориж мамлакатларидан ташриф буюрган туристларнинг 85,5

фоизи дам олиш мақсадида ташриф буюрганлар ташкил этади²². Бундай туристларнинг аксарияти эса пенсия ёшидаги кишилар ҳисобланиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамлакатлар бу тоифадаги кишиларнинг даромадларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу сабабли пенсия ёшидаги кишилар глобал инқироз шароитида туризм мақсадидаги харажатларини сезиларли даражада қисқартирмадилар.

Агар республикамызга ташриф буюраётган туристларни минтақалар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 2008 йил маълумотларига кўра, унда жами туристларнинг 54 фоиз фоизга яқини Европа қитъасига тўғри келади. Туристларнинг умумий сони бўйича кейинги ўринларни қуйидаги минтақалар эгаллайди: Шарқий Осиё – 26, Ўрта Шарқ - 11 фоиз, Америка ва Жанубий Осиё мувофиқ равишда 4,8 ва 3,8 фоиз, Африка - 0,4 фоиз²³.

2.3. Хоразм вилоятида туристик ресурсларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган меҳмонхона хўжаликлари сони 17 тани ташкил этади. Шундан, 1 таси туристик фирма («Бек-тур»), қолган 16 таси меҳмонхона хўжаликлари ҳисобланади. Мазкур меҳмонхоналар туристларга тунаш ва овқатланиш хизматларини тақдим этишади. Вилоятнинг Урганч ҳудудида 3 таси жойлашган бўлиб, шундан «Узолмонхотелз» кўшма корхонасининг «Хоразм-Палас» меҳмонхонаси ҳамда «Урганч Эл-Тур» МЧЖ «Наврўз» меҳмонханалари фаолият юритмоқда, “Жайхун” меҳмонхонаси ҳозирда таъмирдан чиқарилмоқда. Хива ҳудудида 14 та меҳмонхона жойлашган. Уларнинг аксариятига 3 ва 4 юлдузли мақом берилган. Меҳмонхоналар рўйхати ҳамда ҳар битта меҳмонхонанинг

²² Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан. /Статистический бюллетень. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2009. – с.32

²³ «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари

моддий-техник базаси бўйича маълумотлар алоҳида иловада берилган. Шу билан бирга худудда меҳмонхона хўжаликларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг хорижий тилларни билиш даражасига эътиборни қаратиш;
- меҳмонхоналарни электро-энергия, сув, газ таъминотлари билан узилиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда чора тадбирларни йўлга қўйиш;
- меҳмонхона хўжаликларида туристларнинг мароқли дам олишлари учун кўшимча хизматларни йўлга қўйиш (концерт, учрашув ва ҳ.к.);
- меҳмонхоналарда туристларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор валюта алмаштириш пунктларини очиш (VISA, MASTER CARD ва ҳ.к.);
- меҳмонхоналарга лизинг ёки имтиёзли кредитлар ажратган ҳолда замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш;
- ходимлар малакасини ошириш мақсадида Тошкент ёки Самарқанд шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- меҳмонхоналарда кимёвий тозалаш пунктларини очиш;
- жаҳон андозаларига мос равишда автоматлаштирилган бронлаштириш тизимини жорий этиш;
- меҳмонхоналарда туристлар учун интернет тизимидан фойдаланиш тизимини жорий этиш;
- хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда Хива шаҳрида янги замонавий меҳмонхоналарни ташкил этиш;
- объект тўғрисида реклама маҳсулотларини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда Хоразм вилояти бўйича архитектура, археологик ва меъмориал экскурсия объектлари сони 209 тани ташкил этгани ҳолда, шундан 53 та маданий мерос объектлари Хива «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси худудида жойлашган. Қолган объектлар вилоятнинг турли туманларида жойлашган. Бу эса вилоятда туризмни ривожлантириш

потенциали, унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда вилоятда жойлашган айрим туристик объектлар таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Баъзи объектлар туристик йўналишлар дастурига киритилмаган. Таъмирталаб аҳволдаги объектларни таъмирдан чиқариб, туристик йўналишлар дастурига киритилса вилоятга туристлар оқимни купайтириш имконияти юзага келади. Бу билан қўшимча валюта тушимига эришилади, маҳаллий аҳоли вакилларининг иш билан таъминланиш имконияти юзага келади. Бунинг учун вилоятда туризмни ривожлантириш борасида худудда жойлашган маданий мерос объектлар бўйича қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Мусо Тўра мадрасасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Анушахон ҳаммомини жорий таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Оқ масчитни таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Ота Мурод Қушбеги масчитни (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган “Тугони Турк” мақбарасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Амир Тўра мадрасасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Юсуф Ясовул боши мадрасасини қониқарли ҳолатда бўлсада таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Полвон дарвозасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Тош дарвозасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси да жойлашган Отожонбой мадрасаси таъмирталаб даражада;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ичкарасидаги атроф-муҳитни тозалаш, чиқиндиларни бартараф қилиш шароитларини яратиш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ичкарасини кечки ёритиш ускуналари билан таъминлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси худудида жойлашган хонадонлар эгалари томонидан уй атрофларини замонавий жиҳозлардан (Дераза, эшик ва ҳ.к.) фойдаланилиши;
- «Дишон-Калъа»ни асл ҳолатда сақлаб қолиш;
- Хива туманидаги Нуруллабой мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини янгидан ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Хон дорихонаси ва Хон касалхонаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Мамат Марам мадрасаси ва минораси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Тўрт Шоввоз мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Шох Қаландар бобо мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Бикажон бика мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Саид Мухаммадхон мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Хоразмшоҳлар мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива туманидаги Боғишамол-Оллоқулихон боғи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива туманидаги Ислом хўжа қароргоҳи ўта таъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;
- Хива туманидаги “Чодира” ҳовли таъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;
- Хива шаҳридаги Хазарасп дарвозаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Хударган Девонов уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Аваз Ўтар уй музейи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Шохимардон мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун

ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Матвафо карвонбоши савдо уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Урганч шаҳридаги Урганч сураатлар галериясини сайёҳлик йўналишига киритиш, атрофини кўкаламзорлаштириш, бино пештоқини таъмирлаш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Урганч туманидаги “Олажа ҳовли”ни сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойларини тартибга келтириш;

- Хазарасп туманидаги “Хазарасп қалъа” деворини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойларини тартибга келтириш, бино атрофларини маиший чиқиндилардан тозалаш;

- Янгиариқ туманидаги “Шайхмухторвали” зиёратгоҳини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, жорий таъмирлаш;

- Боғот туманидаги “Қалъажик қалъа” (Довуд қалъа) сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга мавсумий қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, санитария-гигиена жойларини ташкил этиш (ҳожатхона йўқ);

Шунингдек, миллий ва тарихий меросларимизни келажак авлодга етказиш, уларнинг асл ҳолатини сақлаб қолиш, таъмирга муҳтож

объектларларни қайтадан ўз ҳолатига келтириш мақсадида малакатимиз раҳбарлари томонидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан Хива шаҳрида жойлашган, тарихий аҳамиятга эга бўлган обидалардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- 1 асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган Матниёз Девонбеги мадрасаси ичида “Ориент-Стар Хива” МЧЖга қарашли ресторан фаолиятини олиб бориши;
- 1851-1853 йилларда қурилган Муҳаммад Аминхон мадрасасидан меҳмонхона сифатида фойдаланиш;
- 1834-1835 йилларда қурилган Оллоқулихон мадрасасидан ресторан сифатида фойдаланиш;
- Хўжамбердибой мадрасаси ҳовли томони ёпилган ҳамда ундан ресторан сифатида фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу объектлардан фойдаланишда хорижий сармоядорларни жалб қилиб, тендер ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу объектларнинг сан-узелларидан нотўғри фойдаланиш кечирилмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда туристик ресурсларга бой бўлган Хоразм минтақасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва Ўзбекистон туристик сектори вакиллари иштирокида Хивада ўтказилган учрашув туризмни ривожлантириш истиқболларига бағишланди²⁴.

Хивадаги халқаро Маъмун Академийсида Ўзбекистон Олий Мажлис Сенатининг ташқи сиёсий масалалар қўмитаси ва “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташаббуси билан “Хоразм вилоятида халқаро сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари” мавзусида кенгаш ўтказилди.

²⁴ “Uzbektourizm.uz” сайти маълумотлари.

Учрашув иштирокчилари туризм соҳасидаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш, мазкур соҳада инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари, хорижий сайёҳларни

Хоразм вилоятига жалб этиш имкониятлари, маданий меросни сақлаб қолиш, сайёҳларни қизиқтирадиган объектларни кўпайтириш ва Ичанқалъанинг меъморий ҳамда тарихий обидаларини кўрсатиш масалалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқдилар. Семинар очилишида сўзга чиққан Хоразм вилояти ҳокими Оллаберган Оллаберганов ва Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсий масалалар қўмитаси раҳбари Содик Сафаев туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳимлигини қайд этиб, Хоразм ва унинг асосий тарихий мезони – Хиванинг сайёҳлик салоҳияти алоҳида ўрин ва аҳамият касб этишини таъкидладилар.

2.4-жадвал

Хиванинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари

т/р	Жой номлари	йиллар
1	Ичан-қалъа, Саидбой масжиди ва мадрасаси	XVIII аср боши - XIX аср боши
2	Полвон Дарвоза атрофлари,	
3	Оллоқулихон мадрасаси	1834 – 35
4	Қутлуғмурод-инок; мадрасаси	1804 - 12
5	Оллоқулихон Тими ва Карвонсаройи	XIX аср
6	Абдуллахон мадрасаси	1865
7	Анушхон масжиди ва харами	1657
8	Тошховли (Оллоқулихоннинг саройи)	1830 - 36
9	Оқмасжид	1832 - 42
10	Жума масжиди ва минораси	1788 - 89
11	Саид Оловуддин макбараси	XIV аср
12	Мухдмад Аминхон мадрасаси	1851 - 52
13	Муҳаммад Аминхон мадрасаси	1871
14	Калтаминор	1855
15	Кўна Арк	1868 - 88
16	Тўрамурод минораси	1888
17	Шерниёзхон мадрасаси	1718 - 20
18	Борланди масжиди	XIX аср
19	Арабхона мадрасаси	1838

“Ўзбектуризм” МК раиси Рустам Мирзаев ўз тақдимотида халқаро туризм бозорининг ҳозирги тамойилларини батафсил ёритди, Ўзбекистон туристик маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари, меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича режалар ва янги ташаббуслар ҳақида ҳикоя қилди.

Кўхна Хоразм асосий туристик объект бўлиб аввалгидек Хивадаги бутун дунёга машҳур бўлган хорижий сайёҳларнинг катта қизиқиш уйғотадиган Ичанқалъа музей-қўриқхонаси ҳисоблансада, вилоят ҳудудида сайёҳларни жалб этишда ундан қолишмайдиган, меъморий ва археологик объектларининг салмоқли миқдори ҳам мавжуд. Бундан ташқари, фаол, саргузашт ва экологик туризмнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган, - деб таъкидлади “Ўзбектуризм” раҳбари.

Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг ушбу жозибадор сайёҳлик минтақаси имкониятлари туроператорлик ва меҳмонхона фаолияти соҳасида тадбиркорликни фаоллаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, янги сайёҳлик йўналишлари ва таклифларни ишлаб чиқиш орқали самарали рўёбга оширилиши мумкин.

Ўтовлардан иборат лагерлар сингари ғаройиб ҳолатларни ҳам ўз ичига олган жойлаштириш воситалари сонини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ва янги туристик маҳсулотлар нафақат мамлакат ва хорижий сайёҳларининг кўшимча оқимларини жалб этиш, балки уларнинг Хоразм ҳудудида бўлиш кунларини ҳам кўпайтириш имконини беради, деб қайд этди Рустам Мирзаев.

Ўзбекистон миллий туристик маъмурияти раҳбарининг фикрича, Ичанқалъа деворларига бевосита яқин жойда махсус туристик зонасини шакллантириш ана шундай биринчи навбатдаги чоралардан бири бўлиши мумкин.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда туризм соҳасининг ҳозирги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини

ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикамизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикамизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда. Ҳозирги кунда туристик ресурсларга бой бўлган Хоразм минтақасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда Олий Мажлис сенаторлари ва депутатлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва Ўзбекистон туристик сектори вакиллари иштирокида Хивада ўтказилган учрашув туризмни ривожлантириш истиқболларига бағишланди. Бу учрашувда Хоразм вилоятида соҳадаги ютуқлар ва камчиликлар муҳокама этилган, ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинган.

3-БОБ. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истикболлари.

3.1. Хоразм вилоятида туризм инфратузилмаси уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, аввало кўхна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда жаҳон аҳлини хайратга солувчи ва лол қолдирувчи қадимги тарихий ёдгорликлар бекиёс кўп. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир. Ўзбекистоннинг ана шу тарихий шаҳарларини бемалол «Шарқнинг жавоҳирлари» деб аташ мумкин.

Мамлакат туризмни ривожлантиришда Хоразм вилоятининг туристик салоҳияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу минтақа Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида, Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, минтақадан туризм мақсадларида фойдаланиш асосан Ичанқалъа меъморчилик кўриқхонасида жойлашган Хива тарихий-меъморчилик ёдгорликларига асосланади. Кўплаб тарихий маданий ёдгорликлари бутун район бўйлаб жойлашган. Хивадан жануби-шарқ томонда Шўркўл кўли бор. Райондаги тараққий этган алоқа йўллари тизими келажакда бу ерда район ва районлараро аҳамиятга эга бўлган турли хил туризм маршрутларини ўрнатишга имкон беради.

Қуйида эса тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида Хоразм вилояти туризм инфратузилмасининг ҳолатига баҳо берилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Урганч халқаро аэропорти. Хорижий ва маҳаллий туристларни турли русумдаги самолётларда қабул қила олади. Учиш зали 2 қаватли бинодан иборат бўлиб жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган 170 ўриндиқли кузатиш зали, барча қулайликларга эга ва барча хизматлар ташкил этилган.

Биринчи қаватда 6 та рўйхатдан ўтказиш устунлари, паспорт назорати хизматлари ва божхона назорати хизматлари мавжуд бўлиб туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга. Жумладан: 17 та юк ташиш аравачаси, валюта айирбошлаш шаҳобчаси, медицина хизматлари кўрсатиш шаҳобчаси, ногиронларга мўлжалланган ҳожатхона, реклама таблолари, авиарейслар жадвали, ягона ахборот хизмати тизими, авиачипталар сотиш ва маълумот бериш устунлари мавжуд.

Урганч халқаро аэропорти фаолиятини такомиллаштириш ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун таклифлар:

- Кутиб олиш залларида атиги 15 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар, 2 та чегара назорати устунлари ва декларация тўлдириш устунлари мавжуд;

- Йирик самолётлар йўловчиларни кутиб олиш залида сифатли хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган;

- Ички рейсларда кутиб олиш зали хизматларидан фойдаланилмайди. Кутиб олиш залини янада кенгайтириш ва учиш зали инфратузилмаси даражасига етказиш мақсадга мувофиқдир;

- Халқаро чартер сайёҳлик авиарейслари тармоғини кенгайтириш;

- Аэропорт олдида, автоуловларни тўхтаб туриш жойларида аэропортгача бўлган жойларда етарли даражада ёритиш ва бино устидаги “Урганч халқаро аэропорти” таблосини ёриш (рейслар амалга оширилаётган вақтда);

- Урганч аэропортида чартер сафарларини амалга ошираётган, аэропорт хизматларидан фойдаланаётган чет эл авиакомпанияларининг хизмати учун тўғридан тўғри валютада қабул қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир эмас.

Хоразм вилоятидаги темир йўл вокзаллари. Хоразм вилоятида 4 та темир йўл вокзали мавжуд: Урганч, Шовот, Хазарасп, Питнак. Урганч темир йўл вокзалида хорижий туристларга хизмат кўрсатилади. Вокзалда қуйидаги инфратузилмалар мавжуд: 1 та валюта айирбошлаш шаҳобчаси, дам олиш хонаси, чипталарни сотиш ва маълумот бериш устунлари, вокзалда темир йўл

поездларининг ҳаракатининг олти ойлик жадвали ва ягона ахборот тизими мавжуд.

Вокзалнинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир ва қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- Автоуловлар тўхтайдиган махсус жойларни ташкил қилиш;
- Вокзал ичида реклама, мамлакатимиз туристик масканларини акс эттирувчи шитлари ва мониторларни ўрнатиш;
- Валюта айирбошлаш шахобчасида етарли даражада нақд пул маблағлари билан таъминлаш ва банк терминалларини ўрнатиш;
- Юк ташиш аравачалари сонини кўпайтириш;
- Вокзал ичида интернет тармоғини йўлга қўйиш;
- Урганч-Бухоро-Урганч ва Самарқанда-Урганч-Самарқанд йўналишлари бўйича туристик тезюарар поездлари маршрутларини ташкил қилиш (туристик мавсумларда);
- Вокзал ичида совутгич ва иситгичларни ўрнатиш;
- Вокзалда санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш.

Хоразм вилоятида Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари инфратузилмаси ҳолати. Халқаро мақомга эга Давлат чегарасидан ўтиш пункти Шовот туманидаги Шовот халқаро божхона пости мавжуд. Божхона назорати пункти соат 9:00 дан 18:00 фаолият юритади. Божхона назорати пунктида фақатгина Niemann (эски) русумли назорат аппарати мавжуд. Кириш ва чиқишни назорат қилиш учун алоҳида 1 тадан божхона пункти ва 1 тадан паспорт назорати амалга ошириладиган, компьютерлаштирилган терминали мавжуд. Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари орқали келаётган сайёҳлар учун чегара худудларида виза олиш, транспорт хизмати ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятлари мавжуд эмас.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларидаги жаҳон андозаларига мос туристик хизмат кўрсатиш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларида ҳожатхона муаммолари мавжуд, туристларни дам олиш хонасини ташкил этиш, уларга савдо ва умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти акс эттирилган ташқи реклама шитларини ташкил этиш ва “Ўзбекистонга хуш келибсиз” ёзувларини чегара ва божхона назорати постидан ўтгандан сўнг ёзиб қўйиш лозим;

- Янги техник воситалари билан жиҳозланса, хизмат кўрсатишни жадаллаштирар эди;

- Чегара пунктларида виза олишни ташкил этиш лозим, ўшанда туристик оқим ижобий томонга ўзгаради;

- Пуллик хизмат кўрсатувчи транспорт хизматларини ташкил этиш;

- Юк ташиш аравачалари ва уларга мос равишда йўлакчалар ташкил этиш лозим;

- Туристларни кутиб олувчи фирмаларнинг вакилларига божхона назоратигача бўлган ҳудудга рухсатнома берилса мақсадга мувофиқ бўларди;

- Туристик мавсумларда валюта айирбошлаш шахобчаларини ташкил этиш лозим;

- Санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш (био ҳожатхоналарни ўрнатиш)

- Божхона назорати пунктида узлуксиз электр энергияси ва сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хоразм вилоятининг туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмалари. Хоразм вилоятида халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўли А-380 "Гузор-Нукус-Кунгирот-Бейнеу" 439-552км.лари Хоразм вилояти ҳудуди ҳисобига киради. Ушбу йўлнинг 439-520км реконструкция ишлари олиб борилган, 520-553км.ларини реконструкция ишларини ПК-1041 асосан тупроқ ишлари бажарилиб 2010 йилда реконструкция ишлари тўлиқ якунланиши мўлжалланган. 2008 йилда 4р158 "Урганч - Хива" автомобиль йўлининг 0-25км.ларида тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилиб, йўлнинг икки томони ёриткичлар билан тўлиқ

жиҳозланди. 4р162 "Урганч айланма йули" 0-5км.лари тўлиқ таъмирланиб янгидан асфальтобетон қопламаси ётқизилди ва йўл ёриткичлар билан тўлиқ жиҳозланди. 4р156 "Урганч-Хонқа-Хазорасп-Туркманистон чегараси" автомобиль йўлининг 41-62км.ларида ўрта таъмирлаш ишлари бажарилган, 2009 йилга 30-41км, 62-68км.ларида таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

4р161 "Урганч ш.-Чолиш к.-Беруний ш." автомобил йўлининг 13 км.даги Амударё устига узунлиги 680 п/м бўлган темир бетон автомобил кўприги қурилиши 2008-йилда бошланиб 2010-йилда фойдаланишга топширилиши керак.

Туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмаларини яратиш бўйича таклифлар:

- 4р 163 автомобиль йулининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автойулининг таъмирлаш (0-13км).

- 4р 163 автомобиль йўлининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автойулининг таъмирлаш (0-13км).

- А-380 а/йўлининг 490км Саримой аҳоли пунктида 1 дона, Хазорасп туманидаги Амударё темир йўл кўпригидан ўтган жойга 1дона, 4р158 "Урганч-Хива" йулининг Хива тумани худудига 2 дона кемпинг қуриш. Жами 4 дона 4р 161 "Урганч -Чолиш" йўлини Урганч тумани худуди ва 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автойўлини Боғот тумани худудида кемпинг сифатида қурилган, кейинчалик хусусийлашган кемпингларни ўз фаолияти бўйича ишлашини таъминлаш.

- Йўл бўйи бошқа инфратузилмаларни (ёқилғи қуйиш шахобчалари, транспорт тўхташ жойларини, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа

воситалари)ни бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар томонидан куриш ва фойдаланиш.

- Туристик йўналишдаги йўлларда таъмирлаш давомида таблолар, йўналиш кўрсаткич жиҳозлари, йўл белгилари ва қўшимча таблоларни янгидан ўрнатиш;

- Бухоро-Урганч автотрассасини жаҳон стандартлари мос равишда тамирлаш ва барча йўл инфратурзилмасини ташкил қилиш;

- Туристик маршрутларда сайёҳларнинг овқатланиши санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, сифати ва сертификати бўлган озиқ-овқатлар билан таъминланган овқатланиш объектларида ташкил этиш.

3.2. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

Хоразм вилояти мамлакат туризм бозорида ўзига хос ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлиши билан бирга бир қатор бажарилиш лозим бўлган ишлар ҳам мавжуд. Ушбу камиликларни тадқиқ этиб биз қуйидагича ҳолатга эга бўлдик.

Вилоятда экскурсия жараёнини олиб бориш учун кадрлар билан таъминланганлигини ҳолати. Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида жами 24 та гид-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 2 таси олий даражали, 6 таси биринчи даражали ва 16 таси иккинчи даражали ҳамроҳ таржимонлардир. Вилоятда жойлашган объектлар ва музейларда экскурсия олиб бориш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз гид-таржимонларнинг экскурсия ўтказишга рухсат берилмайди. Гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун сертификатлар «Ўзбектуризм»МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан берилади. Малакали тажрибага ва сертификатга эга бўлган гид-таржимонлар 2 йилда бир марта 7-14 кунлик махсус курсларда малака оширади ва аттестациядан ўтказилади.

Туристтик корхоналар томонидан ишлаб чиқилган сайёҳлик йўналишлари ва ҳамроҳ-таржимонлар, экскурсия олиб боровчилар учун туристик йўналишлар бўйича бериладиган маълумотлар «Ўзбектуризм» МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан тайёрланади. Ҳозирги кунда ҳудудда туристларга хизмат кўрсатувчи ҳамроҳ-таржимонлар ва экскурсия олиб боровчилар учун ягона мавсумий либос (униформа) мавжуд эмас.

Ҳудудга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиладиган транспорт воситаси ҳайдовчиларини махсус тайёрлов курслари мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги махсус хизмат мутахассислари (меҳмонхона маъмури, официант, бармен, швейцар-дасёр, қават ва хоналар бекаси, фаррошлар) ишларининг сифати қониқарли даражада йўлга қўйилган. Шу билан бирга ҳудудда экскурсия жараёнини олиб бориш учун малакали кадрларни тайёрлашда қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- ҳозирда Осиё мамлакатларидан келаётган туристларнинг кўплигини инобатга олган ҳолда Япон, Италиян, Хитой, Корейс ва Испан тилларида экскурсия берадиган гид-таржимонларнинг етишмаслиги биров қийинчилик туғдирмоқда, ш у сабабли ҳудудда яна 20 та гид-таржимонга эҳтиёж мавжуд;

- ҳудудда малакали гид-таржимонлар ва экскурсоводларни тайёрлашда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари Олий ўқув юртларидан малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда доимий 6-10 ойлик махсус курслар ташкил қилиш зарур;

- музейларда экскурсия олиб боровчи ходимларни «Ўзбектуризм» МКси Хоразм минтақавий бўлими қошида тайёрлаш, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун даврий ўқув курсларини ўтказиш мақсадга мувофиқ;

- Хоразм вилоятидаги тарихий обидалар тўғрисидаги ахборотларни Хива «Маъмун» академияси ва Урганч Давлат Университети томонидан тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Чунки вилоятда жойлашган объектлар ва

- ходимларнинг иш самарадорлигини оширишлари учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган меҳмонхоналарга хизмат сафарлари уюштириш орқали малакаларини ошириш мақсадга мувофиқ

Хоразм вилоятида реклама таъминоти ва ёдгорлик буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати.

Хоразм вилоятида реклама фаолияти билан шуғулланадиган бир қанча ташқи реклама маҳсулотларини босмадан чиқарадиган хусусий корхоналар мавжуд. Уларда асосан туристик фирмалар, меҳмонхоналар ўз туристик маҳсулотларини буклетлар, брошюралар, каталоглар, хариталар, плакатлар, китоблар ва бошқалар. Реклама маҳсулотлари ўзбек, рус, инглиз, немис, япон, корейс ва бошқа тилларда чоп этилган. Ишлаб чиқарилаётган реклама маҳсулотларида ягона миллий «UZBEKISTAN» туристик брендидан фойдаланиш суст олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятида халқ ҳунармандчили кенг йўлга қўйилган жумладан, «Хунарманд» уюшмаси Хоразм вилоят бўлими томонидан. Хоразмда 11 та «УСТО-ШОГИРД» мактаблари ташкил этилиб, 47 та шогирдлар мавжуд. Маҳаллий маҳсулотлардан: гужум, терак, сада, тут, туранги дарахтларидан замонавий мебеллар ишлаб чиқарилмоқда.

Реклама фаолиятини янада кучайтириш ва ёдгорлик буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

- Барча реклама маҳсулотларида буклетлар, брошюралар, каталоглар, хариталар, плакатлар, китобларни чоп этишдан олдин тегишли ташкилотларга кўрсатиб маълумотларни ҳаққонийлигини текшириш лозим;
- Реклама маҳсулотларида ягона миллий «UZBEKISTAN» туристик брендини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ;
- Туристтик фирмалар ва меҳмонхоналарни минтақавий ва халқаро туристик ярмаркаларда қатнашишига кўмаклашиш;

- Магистраль йўлларида, чегара назорати пунктларида, вокзалларда реклама таблоларини ташкил қилиш;
- Урганч, Хива шаҳарлари ва аэропорт ва темир йўл вокзалларида экскурсия ва сайёҳлик ахборот офислари фаолиятини йўлга қўйиш;
- Хоразм вилояти “Узбектуризм” МК худудий бўлими сайёҳлик сайтини ташкил этиш ва уни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- Қадимий Хоразм ва Хива обидалари, маданияти, анъана ва урф-одатлари тўғрисида рекламага оид видеофильмларни яратиш, уларни хорижий сайёҳларга эсдалик совға тариқасида тухфа қилиш;
- Ишлаб чиқариладиган реклама маҳсулотларининг тарғибот-ташвиқот этилиш жойлари сифатида темир йўл поездлари, вокзаллари, аэропорлар ва ҳаво кемалари бортлари, меҳмонхоналар, интернет, кўргазмалар, ярмаркаларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хоразм вилоятида сайёҳларга медицина хизмати кўрсатилиши ва хавфсизликнинг таъминланиши ҳолати.

Сайёҳларга медицина хизматларини ташкил қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Туристлик объектларида асосан Хива шаҳридаги Ичан Қалъа музей кўрикхонаси ичида ва Дишан Қалъа атрофида медицина пунктларини ташкил этиш ва чет тилларини билладиган медицина ходимлари жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ташқари халқаро магистраль йўллари бўйида ҳар 100 км.да талабга жавоб берадиган медицина пунктларини ташкил қилиш лозим. Туристлик маршрутларида сайёҳларни транспорт воситаларида хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳамкорликда ишлар олиб борилган.

Сайёҳатчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини ҳолати. Вилоятда сайёҳатчиларга транспорт воситаларида хизмат кўрсатадиган транспорт воситалари “Хоразм Палас” меҳмонхонаси балансидаги 1 та автобус, 1 та микроавтобус ва “Asia-Xiva” меҳмонхонаси

тасарруфида 1 та 45 ўринли Евростандартларга жавоб берадиган автобус мавжуд. Ушбу автобуслар ҳолати талабларга жавоб беради.

Саёҳатчиларга транспорт хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар берилади:

- Туристлик фирмалар ва меҳмонхоналарга транспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматларини ташкил этиш;
- Мавжуд транспорт воситаларини ҳар бир маршрутдан олдин унинг техник кўриқдан ўтказиш;
- Ҳайдовчиларни медицина кўригидан давомли ўтказиб туриш;
- Ҳайдовчиларни маршрут давомида автобусларни бошқаришини 8 соатдан ошмаслиги қаттиқ назорат қилиш;
- Автомобилларни арендага беришни ташкил қилиш.

Вилоятда ушбу соҳани ривожлантиришга ҳукумат томонидан ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси раҳбарияти Урганчда тадбиркорлар билан учрашувда Ўзбекистоннинг компанияларини Хоразм вилоятининг туристик секторига маблағларни фаолроқ инвестициялашга чақирди.

Учрашув боришида қайд этилишича, минтақада туризм соҳасидаги инвестиция имкониятларида тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти.

Хоразм вилояти унда жамланган диққатга сазовор жойлари билан дунёнинг турли бурчакларидан тарихий-маданий туризм ишқибозларини ўзига тортмоқда. Иштиёқманд саёҳлар Хивада – “очиқ осмон остидаги музей”да бўлиш, Ичанқалъанинг қадимий меъморий иншоотларига назар солиш, ривоятларга кўра ноёб “Авесто” ёзма ёдгорлиги – оташпарастларнинг муқаддас китоби яратилган заминга оёқ босиш учун бу ерга келадилар.

Маълумки, туристик мавсумларнинг қизгин пайтларида сифатли меҳмонхоналарнинг етишмаслиги чет эллик туристларнинг келиши кўпайишини тўсувчи омилдир. Шу муносабат билан жорий йилда Урганчнинг асосий шоҳкўчаси – Ал Хоразмий кўчасида тўртта меҳмонхона

қурилиши режалаштирилган. Махсус мавзувий услубда безатилган мўъжаз меҳмонхоналар туристларнинг шинам билан дам олишларини таъминлайди.

Лойиҳа тадбиркорларни қизиқтириб қўйганлигини айтиш лозим. Учрашув тугагандан кейин ўз маблағларини меҳмонхоналар қурилишига инвестициялашни хоҳловчи Хоразм кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларида саккизта буюртманома келиб тушди. Учрашувда қатнашган тижорат банкларнинг вакиллари ҳам ташаббус кўрсатиб, лойиҳаларни узок муддатли асосда биргаликда молиялашни таклиф қилдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Ўзбектуризм” МК туристик мавсумлар даврларини кенгайтириш ва чет эллик туристларнинг Хоразм вилоятида бўлиш кунларини кўпайтириш бўйича маркетинг лойиҳаларини юритяпти. Тегишинча, меҳмонхоналарнинг реал даромадлари ўсиши кутиляпти, бу эса инвесторларни ушбу соҳага жалб этади. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар минтақага янада кўп туристларни жалб этиш имконини беради, меҳмонхона, ресторан, транспорт, сувенирлар соҳасида янги иш ўринларни яратишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2011–2012 йиллар даврида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматларнинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш бўйича аниқ тадбирлар дастури” ни тасдиқлади.

Хоразм вилояти тарихий–меъморий меросининг туристларни минтақага жалб этишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, Дастурда тарихий комплексларни таъмирлашга алоҳида ўрин ажратилган. Ҳозирги вақтда Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Шерғозихон, қутлимурод иноқ мадрасаларида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти, тез орада Тошҳовли саройи, қозикалон мадрасаси, Кўҳна Аркда ишлар бошлаб юборилади.

Меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ўнта меҳмонхонани фойдаланишга топшириш режалаштирилган, улар туристлар хизматида қарийб 350та янги ўринни тақдим этадилар. Шу билан бирга Урганчдаги “Урганч”, “Шер Хотел”, “Авесто” меҳмонхоналари

реконструкция қилинади. ғузур–Бухоро–Нукус–Бейнов автомагистралининг 537–километрида талабчан туристларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган янги мотель пайдо бўлади.

Гавункўл, Эшонравот, Кичкина Дузлок кўллари ва Амударёнинг сўлим соҳилларида дам олиш зоналари барпо этилади. Бир дам олиш зонаси “Ота Харрот” балиқчилик фермер хўжалигида жойлаштирилади.

Урганч шаҳрида туристик инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенг миқёсли ишлар режалаштирилган. Бу ерда асосий кўчалар реконструкция қилинади, 12 умумий овқатланиш шохобчаси, 4 минибанк, 12 савдо шохобчаси, гипермаркет, 2 миллий кийимлар дўкони ва бошқа объектлар қурилади. Хивада ҳам, хусусан “Ичанқалъа” мажмуаси атрофида туристик инфратузилма ривожлантирилади.

Дастурнинг кўпгина бандлари ўзбек халқининг анъана ва урф–одатлари, унинг ўзига хос маданиятини намойиш қилишга йўналтирилган кўнгил очиш тадбирларини ташкил этишга қаратилган.

Учинчи боб бўйича хулоса

Мамлакат туризмни ривожлантиришда Хоразм вилоятининг туристик салоҳияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Республикамизнинг ушбу минтақасида туризм мақсадларида фойдаланиш асосан Ичанқалъа меъморчилик кўриқхонасида жойлашган Хива тарихий-меъморчилик ёдгорликларига асосланади. Кўплаб тарихий маданий ёдгорликлари бутун район бўйлаб жойлашган. Хивадан жануби-шарқ томонда Шўркўл кўли бор. Райондаги тараққий этган алоқа йўллари тизими келажакда бу ерда район ва районлараро аҳамиятга эга бўлган турли хил туризм маршрутларини ўрнатишга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар

Хоразм вилоятининг бой тарих, маданиятга эга эканлиги, Буюк ипак йўлида жойлашганлиги жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир. Ушбу воҳани туристик инфратузилмасини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Хоразм воҳасида жойлашган барча тарихий меъморий объектларни тўлиқ паспортизациядан ўтказиш, уларни тамирлаш ва улардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида дастурлар яратиш лозим. “Ичан-қалъа” давлат музейи кўрикхонаси фақат туристларга экскурсия хизмати сифатида фойдаланишини қаттиқ назорат қилиш. “Дишан қалъа” деворларини сақлашни бўйича чора тadbирлар ишлаб чиқиш;

- Туристтик йуналишларнинг янги турларини ишлаб чиқиш: - овчилик ва балиқчилик туризми, Хоразм вилоятида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ҳамда Қаракум, Амударё қирғоқлари ҳудудларига янги туристик йуналишларини очиш бўйича (туяларда) экологик туризмни йўлга қўйиш;

- Қишлоқ жойларида мавжуд тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва туризм инфратузилмасини барпо этиб янги туристик маршрутларни ташкил этиш;

- Транспорт инфратузилмасини; авиарейсларни туристик мавсумларда кўпайтириш ва чартер рейсларни ташкил этиш, мамлакатимиз туристик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд йўналишларида тезюрар поездларни ташкил қилиш, Бухоро вилоятини боғловчи автомагистраль йўлини таъмирлаш ва йўл бўйида жаҳон андозаларига жавоб берадиган кемпинглар, дам олиш масканлари, медицина хизматлари кўрсатиш, автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчаларини ташкил этиш;

- Вилоятда меҳмонхона хўжалиги хизматларини такомиллаштириш мақсадида Хива ва Ургенчда замонавий меҳмонхоналар

қуриш ва мавжудларини капитал таъмирлаш учун тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш;

- Туризм соҳасида малакали кадрларни жумладан: туризм ва меҳмонхона хўжалиги, ресторан менежерлари, туроператорлар, гид экскурсоводларни фақатгина олий ўқув юртлари базасида олиб бориш мақсадга мувофиқдир;

- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналар ва Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг элчихоналари ёрдами билан телевидение, радио ҳамда интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг салоҳияти ва аҳамиятини кўтарадиган реклама роликларни ва презентацияларни намойиш қилиш;

- Чартер рейслари билан тўғридан тўғри Урганчга келадиган Франция, Германия, Австрия, Италия, Буюк Британия, Бенилюкс мамлакатлари, Япония, Корея каби мамлакатлардан ташриф буюрадиган хорижлик туристларга аэропортнинг ўзида виза масалаларини ҳал этишни йўлга қўйиш;

- “Ўзбектуризм” МК, Маданият ва спорт вазирлиги ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда “Хоразм санъати, маданияти ва миллий меъроси” мавзусида доимий ҳалқаро туристик ярмаркасини ташкил қилиш;

- Хива “Ичан Қалъа” давлат музейи қўриқхонасида ва “Дишан Қалъа” ҳудудида тарихий ёдгорликларни емираётган термик хашаротига қарши қурашиш масаласини Ҳукумат миқёсида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.
2. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

3. "Ўзбектуризм" МҚсининг ташкил топиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // "Халқ сўзи", 1992 йил 27 июль.
4. "Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли Фармони. // "Халқ сўзи", 1995 йил 3 июнь.
5. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони. //Халқ сўзи, №74. 1999. 16 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. "Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // "Халқ сўзи" газетаси, 1998 йил 9 август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов маърузалари ва асарлари

7. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: "Ўзбекистон", 2012. – 36 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади"

мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

9. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

10. И.Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». -Т.: Ўзбекистон, 2005 й. - 92 б.

11. И. Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи”, 2010 йил 28 январь

12. И. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. ”Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь.

13. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. .”Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.

14. И.Каримов. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи, 2006, 25-февраль.

15. И.Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. //Халқ сўзи, 2006. 11-февраль

16. И.Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. //Халқ сўзи, 2005. 8 декабр

17. И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлактни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон. 2005 й. -92 б.

V. Махсус адабиётлар, рўзномалар ва журналлардаги мақолалар

18. Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.-Т.: Гос. Науч. Изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.-416 с.

19. География туризма: учебник / кол. авторов; под ред. А. Ю. Александровой.- М.: КНОРУС, 2008.-592 с.
20. Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -207 с.
21. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007.-336 с.
22. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер. / А.Б. Косолапов. – М.: КНОРУС, 2006. – 400 с
23. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.
24. География туризма: учеб. /кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с.
- 25 Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагенсткой деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.
26. Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.
27. Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 352 с.
28. Скобкин С.С. Менеджмент в туризме: учеб. пособ. – М.: Магистр, 2007. – 447 с.
27. Каримов И., Ахмадхўжаев Р. Туризмда коммуникация. - Т.: ТДИУ, 2007, - 180 б.
29. Дурович А. П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. — СПб.: Питер, 2008. — 384 с
30. Адылова З., Норчаев А., Алиева М. Туризм менежменти. Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ, 2009, - 180 б.
31. Кутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009,- 220 б.

VI. Статистик тўпламлари

32. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.
33. Экономический вестник.
34. Основные показатели развития туризма в 2009 г. ЮНВТО. –Мадрид, 2010, -30с.
35. Tourism: 2020 vision. -Madrid, 2010, - 21 p.
36. “Ўзбектуризм” МК йиллик ҳисоботлари

VII. Интернет сайтлари

37. www.peugeotufa.ru
38. www.bashepo.ru
39. www.interunion.ru
40. www.world-tourism.org
41. www.wttc.org
42. www.tag-group.com
43. www.e-tours.ru
44. www.travel-library.com